УШБУ СОНДА:
2 НЎНОК “ФЕРМЕР”ЛАР
3 АМНИСТИЯ
БАҒРИКЕНГЛИК, ИНСОНПАРВАРЛИК ВА ОЛИЖАНОБЛИК ТИМСОЛИ
4 ИЗТИРОБ АЛАНГАСИ
унинг чангалида куйган онага яна бахтиёрлик насиб этди
ДЭВИД ЮМ:
ТОЛМАС ТАДҚИҚОТЧИ

**M E Z O N :**

**Фуқароларнинг давлат органларига газеталар, журналлар, телевидение, радио ва бошқа оммавий ахборот воситалари таҳририятлари орқали келиб тушган мурожаатлари ушбу Қонунда назарда тутилган тартибда ва муддатларда кўриб чиқилади.**

**Фуқароларнинг оммавий ахборот воситаларига йўллаган мурожаатларидан оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги Қонун ҳужжатларига мувофиқ жамоат фикрини ўрганиш ва акс эттириш учун фойдаланиши мумкин.**

**“ФУҚАРОЛАРНИНГ МУРОЖААТЛАРИ ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚОНУН 7-МОДДА.**

*Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!*

# ИНСОН ва ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 12
(319)
2003 йил
25 МАРТ
сешанба

Сотувда эркин нархда

# ТИНИҚ ОСМОН ШУКУҲИ

***Ўтган ҳафта юртимизда халқимизнинг қадимий байрамларидан бири — Наврўз тантаналари кенг нишонланди. Халқимиз бу байрамни шодиёналик билан кутиб олди. Осмони мусаффо, кўнгли хотиржам, мақсади аниқ бўлган мамлакат аҳлигина шундай шод-хуррам бўла олади. Буни алоҳида таъкидлашнинг боиси шуки, айни шу кунларда инсоният таҳлика ичида яшамоқда. Хўш, курраи замин нега бу каби қиёфа касб этди? Бани башар қандай хатоликларга йўл қўйдики, бугун у юрагини ҳовучлаб яшашга мажбур бўляпти? Наҳотки, ҳеч ким дунёнинг таҳликали шакл-шамойилга кириб бораётганини сезмаган, англамаган бўлса? Куни кеча пойтахтимизда бўлиб ўтган Наврўз байрами томошаларидан сўнг Президент Ислом Каримов журналистлар билан мулоқотда шу саволлар атрофида сўз юритиб, бунинг асосий сабаби дунёнинг етакчи давлатларининг “Сен менга тегма, мен сенга тегмайман” қабилида иш юритаётгани эканини алоҳида таъкидлади.***

Тарихга назар солсак, инсониятнинг бир ёқадан бош чиқариб, барчага бирдек хавф солаётган душманга қарши курашганига миссоллар жуда кам эканига гувоҳ бўламиз. Бироқ бу каби ҳолатлар кейинги йилларда кўплаб рўй бермоқда. Яқиндагина Афғон заминида халқаро терроризм ўчоқларига қарши олиб борилган саъй-ҳаракатлар бунга яккол мисол бўла олади.

Бундан 3-4 йил олдинги минтақамиздаги вазият, хусусан, мамлакатимизнинг жанубий сарҳадларидаги воқеликлар ҳали кўз ўнгимиздан кетганича йўқ. Бу ҳол терроризм АҚШда бўй кўрсатгунгача, яъни жаҳон ҳамжамияти унинг хавфи ва таҳдидини англаб етгунга қадар давом этди. Ва, ниҳоят, халқаро терроризм деган мудҳиш хавф-хатар остонамиз олдида турган ҳозирги пайтда бизнинг терроризмга қарши қаратилган даъватларимиз замирида аниқ маъно, амалий ҳаракат бўлиши лозим, дея халқаро ҳамжамиятни, огоҳликка чорлаб келган Президент Ислом Каримовнинг айни ташаббуси амалга ошди. Бошқача айтганда, АҚШ етакчилигида аксилтеррор коалиция амалий фаолият бошлади. Ўшанда давлатимиз раҳбари **“биз — терроризм офатидан энг катта зарар кўраётган, унинг тобора кучайиб, доимий хавфга айланиб бораётган мудҳиш таъсирини ўз ҳаётида сезиб яшаётган мамлакат сифатида бу бало-қазога қарши кураш эълон қилган дунё ҳамжамияти, қудратли давлатлар билан бирга бўлишимиз табиий ҳол эмасми?”** — дея ниҳоятда қалтис вазиятда Ўзбекистоннинг халқаро терроризмга қарши курашга нисбатан ёндашувини аниқ баён этган эди. Ўтган вақт Ўзбекистон Президентининг бу борада тутган сиёсати нечоғлик тўғри ва оқилона бўлганини тўлиқ исботлади. Остонамиз олдида, бошимиз узра бало-қазо бўлиб турган, бу кураш йўлида қанча-қанча қурбонлар беришга мажбур қилаётган ёвуз таҳдид бартараф этилди. Шу мақсад йўлида сарфланаётган қанча-қанча маблағ ва ресурсларимиз энди халқимизнинг эркин ва фаровон ҳаёт қуришига йўналтирилмоқда.

Бугун эса халқаро терроризмга қарши курашда бошчилик қилган АҚШ ва Буюк Британия мамлакатлари одамзод учун яна бир хавфли таҳдид бўлиб турган Ироқ раҳбари ва унинг қуролланиш борасидаги саъй-ҳаракатларига чек қўйиш ниятида янги ҳарбий амалиёт бошлади. Бу курашни ҳозирда дунёнинг 35 мамлакати қўллаб-қувватламоқда. Улар сафида Ўзбекистон ҳам бор. Терроризмга қарши изчил кураш олиб бораётган мамлакатимиз стратегик ҳамкор сифатида АҚШ ташаббусига тўлиқ қўшилди. Ўзбекистоннинг бу борада тутган йўлини Президент Ислом Каримов шундай изоҳлади: **«Жаҳонда ҳозирги вазият барчамиздан огоҳ бўлишни, кечаги Афғонистон мозаросини ечишда ким қандай сиёсат олиб боргани, кимларнинг, қандай буюк давлатларнинг ҳаракатлари ҳақиқатда юртимизнинг хавфсизлигини таъминлашга, жанубий сарҳадларимиз остонасидан ёвуз кучларни ўлиб ташлашга ҳал қилувчи ҳисса қўшгани ҳақида тўғри хулоса чиқаришни бугун ҳар биримиздан ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. Мана шундай ҳолатда ташқи ва ички сиёсатимизни тўғри ва оқилона олиб бориш нафақат бугунги манфаатларимизни, балки Ўзбекистонимизнинг эртанги кунини, узоқ эзгу мақсадларимизни кўзлаб йўл танлашимизни талаб қилади. Ва бу борада, аввало, ўзимизнинг куч ва салоҳиятимизга, қўшни давлат ва ҳалқларнинг бирдамлигига, стратегик шерикларимиз билан бирга уларнинг қудрати ва кўмагига суянган ҳолда келажагимизни кўрмоғимиз даркор»».**

БМТ Хавфсизлик Кенгаши 12 йилдан буён Ироқни қуролсизлантиришга уринади. 1991 йилдан бошлаб БМТ Хавфсизлик Кенгаши Ироққа нисбатан 15 дан зиёд резолюция қабул қилди. Таажжубланарлиси, ушбу ҳужжатларнинг биронтаси тўлиқ бажарилмади. БМТнинг қуролсизлантириш инспекторлари ҳам Ироқда турли алдов ва чалғитишларга гирифтор бўлиб, муваффақиятсизликка учради. Халқаро ҳамжамиятнинг Ироққа нисбатан жорий қилган иқтисодий жазоси ҳам самара бермади. Жаҳон оммавий ахборот воситалари Ироқ ядровий, кимёвий ва биологик қуроллар ишлаб чиқариш дастурини хуфёна давом эттираётгани ҳақида бот-бот хабар бермоқда. Иқтисодий жазонинг жабрини эса Саддам Ҳусайн ёки унинг яқинлари эмас, балки оддий ироқликлар тортаяпти, холос. Шу тариқа Ироқ нафақат минтақадаги, балки бутун дунёдаги тинчлик ва барқарорликка таҳдид солаётган мамлакатлигича қолаверди. Президент Ислом Каримов Ироқнинг бу каби йўл тутиши ва сиёсат юритишига имконият ва шароит яратиб берган омилларни таҳлил қилар экан, бу дунёнинг етакчи давлатларини ўзаро ўйини оқибати эканини таъкидлади: “БМТнинг Хавфсизлик Кенгашида бўлиниш; ҳар қайси етакчи давлат ўз манфаатини ўйлайди; доимий аъзолар бутун дунё халқлари истак-хоҳишига мос келадиган инсонпарвар умумий ягона қарорга келиш ўрнига ўз манфаатига ўралашиб, ҳамон ўзаро тортишувлар ва келишмовчиликларни давом эттираверар экан, бундай вазиятдан ким фойдаланади? Албатта, террорчиларга кўмак берадиган, уларни рағбатлантирадиган давлатлар ва кучлар. Энг хатарлиси, Ироқнинг кимёвий ва биологик қуролларни яшираётгани ҳақида маълумотлар тарқатилаётган экан, бундай оммавий қирғин қуроллари хоҳлаган пайтда террорчилар қўлига тушиб қолмаслигига ҳеч ким кафолат бермайди. Хуллас, Ироқ бутун дунё хавфсизлиги ва барқарорлигига рахна солаётган давлатга айланди”.

Шу боис бундай вазиятда “Сен менга тегма, мен сенга тегмайман” қабилида иш тутиш мутлақо ярамайди. Бу иллатни халқаро ҳамжамият биргаликда бартараф этмас экан, ҳеч бир халқнинг хавфсизлиги кафолатланган деб бўлмайди. Шу нуқтаи назарда олиб қараганда, баъзи бир давлат раҳбарларининг ўз мамлакатидаги тинчликдан хотиржамликка берилиб, бошқа жойда юз бераётган воқеаларга, хусусан, террорчилик хуружларига бефарқ муносабатда бўлаётганини тушуниш қийин. Афсуски, айрим Европа мамлакатларининг сиёсати мана шундай. Шу ўринда АҚШни Ироқ нефтига эга бўлиш учун “зўравонликда” айбланётган баъзи давлатлар шу айбловлари билан ўз мақсадларини ошкор қилмаяптими, деган мулоҳаза туғилади. Зеро, улар гўёки тинчликпарвар сиёсат юритиб, Саддам Ҳусайн каби “дўст”ларининг ёнини олмаяпти, деб тўлиқ ишонч билан айта оламизми? Назаримизда, эртага “қора куни”да мадад берган оғалар тили қисиқ Ҳусайннинг нефтларига ўзлари эгалик қилишмоқчи. Албатта, бу фикрнинг қанчалик тўғри ёки нотўғри эканини вақт кўрсатади.

Хулоса ўрнида айтадиган бўлсак, Ироқ ва унинг теварагида кечаётган келишмовчиликлар ҳамон дунё мамлакатлари орасида якдиллик йўқ эканини кўрсатди. Ўзимиз яшаб турган заминимизнинг ягоналигини ва инсон ҳаётининг бебаҳо эканини ҳисобга олсак, бу ҳолнинг қанчалик хавфлилигини англаб етиш қийин эмас.

Бундай вазиятда ҳар бир юртдошимиз аввало ўз вазифасини виждонан бажариши, жаҳон ҳамжамияти бошлаган курашда доимо сафарбар ва огоҳ бўлиши, Президентимиз таъбири билан айтганда, **содир бўлаётган воқеаларга очиқ кўз билан қараши, ўз уйи, ўз маҳалласи, шаҳар-қишлоғида осойишталик барқарор бўлиши учун жон куйдириши, мана шу ҳақиқатни чуқур англаб огоҳлик ва ҳушёрликни ўз ҳаётининг мезонига айлантириши зарур.** Ана шундагина тиниқ осмон шукуҳини чин дилдан ҳис этади. Бу ҳиссиёт эса инсоннинг бахтиёрлигидан далолатдир.

**Мадамин САФАРОВ**

## O‘ZBEKISTON ва дунё
кеча, бугун, эртага

☑ ***Тошкентдаги “Ўзбекистон” спорт мажмуида Наврўз айёмига бағишланган байрам тантаналари бўлиб ўтди. Унда Президент Ислом Каримов нутқ сўзлади.***

☑ ***Халқимизнинг кўҳна ва азиз байрами Наврўзи олам Ўзбекистоннинг Буюк Британиядаги элчихонасида хорижий меҳмонлар даврасида нишонланди.***

☑ ***Самарқандда “Шердор” кредит уюшмаси ташкил этилди.***

☑ ***Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида “Глобаллашув шароитида халқаро сиёсат ва халқаро журналистиканинг долзарб муаммолари” мавзуида конференция бўлиб ўтди.***

☑ ***Тошкентдаги Халқаро бизнес марказида компьютер индустриясига бағишланган анжуман ўтказилди.***

☑ ***Олий Мажлиснинг қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасида “Қонунларнинг ижросини ташкил этиш механизмлари” мавзуида семинар ташкил этилди.***

Ijro mas`uliyati

## “ЙЎҚОЛГАН” ТАҚДИМНОМА

Тошкент вилояти адлия бошқармаси фермер хўжаликларини ривожлантириш, уларнинг моддий таъминотини яхшилаш, бу соҳадаги мавжуд муаммоларни ҳал этиш мақсадида шу йил 16 январ куни 9 та туман ҳокимлигига тақдимнома киритди. Тақдимномаларга 15 кунлик муддат ичида жавоб қайтариш сўралган эди. Афсуски, айрим туманлардан ҳатто март ойининг ярмига келиб ҳам жавоб олишнинг иложи бўлмади. Мисол тариқасида айтадиган бўлсак, Чиноз туман ҳокими номига киритилган тақдимнома тақдири шундай кечди. Тақдимнома билан танишиб чиққан ҳоким уни шу йилнинг 24 январ куни ўзининг биринчи муовини Д.Тешабоев ва туман фермерлар уюшмаси раиси У.Умаровга “Ушбу фермерлар рўйхатини менга тақдим этинг, уларни бирлаштириш ҳақида таклиф киритинг ҳамда адлия бошқармасига жавоб хати тайёрланг”, деган аниқ кўрсатма билан ижро этиш учун беради. Бу вақтда Д.Тешабоев хизмат сафарида эди.

Шунда тақдимнома негадир туман ер ресурслари бўлими ходими И.Муҳаммадқулов қўлига тушиб қолади. У тақдимномани орадан 15 кун ўтгандан сўнг туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси умумий бўлими раҳбари А.Йўлдошевга топширади.

А.Йўлдошев эса тақдимномани 14 феврал куни қайта рўйхатдан ўтказиб, бошқарма бошлиғининг иқтисод бўйича муовини Б.Зуфаров имзоси билан туман фермерлар уюшмаси раиси У.Умаровга етказади. Ўз навбатида У.Умаров тақдимномага жавоб бериш муддатини шу санадан бошлаб ҳисоблайди. 15 кунлик муддатнинг тугашига 3 кун қолганда вилоят адлия бошқармасига баён этилган воқеани изоҳлаб тушунтириш хати ёзган. Бироқ шундан кейин ҳам орадан ярим ойдан кўпроқ вақт ўтган бўлса-да, ҳали жавобдан дарак йўқ.

Ўрта Чирчиқ туманида тақдимномага муносабат қандай эканини билмоқчи бўлганимизда бундан-да ажабтовур ҳолатга дуч келдик.

Гап шундаки, туман ҳокимлигида шахсимизни ва мақсадимиз нима эканини роса сўраб-суриштиришди. Ҳолбуки, биз мутасаддиларга тегишли ҳужжат кўрсатиш баробарида мақсадимизни аниқ тушунтирган эдик. Шундан сўнг, тақдимномага жавоб бериш шартми ёки йўқми, деган масалани узоқ муҳокама қилишди. Бу борада ҳатто вилоят адлия бошқармасидан телефон орқали маслаҳат ҳам сўрашди. Шу ўринда “шунча сўраб-суриштирувга кетган вақтни жавоб тайёрлашга сарфлашса бўлмасмиди”, деган мулоҳаза туғилади. Зеро, қонун асосида ахборот тўплаш билан шуғулланаётган журналистни тергашдан кўра тақдимномага ўз вақтида жавоб беришса яхши бўларди. Чунки шунда тумандаги яна бир камчилик бартараф этиларди.

Ҳозирча эса тақдимномалар бамисоли изсиз йўқолган — уларга на жавоб, на изоҳ бор. Бу ҳолни мутасаддилар қандай изоҳлашар экан?

**Рустам ХУДОЙҚУЛ,**
**журналист**

## “ИНСОН ва ҚОНУН”га
МИННАТДОРЧИЛИК БИЛДИРАДИЛАР

## ҚОНУН ЎЗ СЎЗИНИ АЙТДИ

**Газетанинг шу йил 4 феврал сонида “Ажаб савдолар” рукни остида “Кимнинг гапи ўтади?” сарлавҳали мақола чоп этилган эди. Унда Бўз туманида бир гуруҳ фермерларнинг ноқонуний олиб қўйилган ерларини қайтариш юзасидан судлар бир неча марта қонуний тўхтамга келган бўлсада, туман ҳокимлиги ва ширкат хўжаликлари томонидан суд қарори бажарилмаётгани танқид қилинган эди. Жумладан, О.Тошбоев фермер хўжалиги ҳам икки йилдан буён қонуний ажратилган ер майдонини ололмай овора бўлиб юрганлиги ҳақида ёзилган эди. Газетамизнинг ушбу сони саҳифаланаётган пайтда Андижондан шундай хат олдик:**

**“Ҳурматли таҳририят!**

**Газетангизда чоп этилган “Ғаразгўйлик”(19 феврал, 2002 йил), “Кимнинг гапи ўтади?” (4 феврал 2003 йил) мақолалар босилиб чиққач, Суд қарорларини ижро этиш департаментининг Андижон вилоят ҳудудий бўлимига қарашли Бўз туман суд ижрочилари бўлинмаси томонидан шу йил 24 феврал куни тузилган далолатномага асосан, 2002 йил 2 августдаги 1-558-сонли ижро варақасига бинoан Бобур номидаги ширкат хўжалигидан 15 гектар ер холислар иштирокида фермер хўжалигимга олиб берилди. Мана, баҳор келиб, ўз еримда деҳқончиликни бошлаб юбордим.**

**Адолат қарор топди. Бу муаммони ҳаққоний ечим топишида яқиндан кўмак берган вилоят адлия бошқармасига, фуқаролик ишлари бўйича Бўз туманлараро судига, вилоят судига, қонуний манфаатларимни ҳимоя қилиб бонг урган “Инсон ва қонун” газетасига ўз миннатдорчилигимни билдираман”.**

**Одилжон ТОШБОЕВ,**
**фермер хўжалиги раҳбари**

## ЎЗИНГДАН ЎПКАЛА

Bugunning gapi

Юртимизда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, уларга қулай шарт-шароит яратиш борасида кўплаб ишлар амалга оширилмоқда. Шу боис тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган фуқароларнинг қинғир йўл танлашига ҳеч ҳожат йўқ, десак, асло муболаға эмас. Аммо Сергели туманида жойлашган “Алякс-Бизнес” МЧЖ раҳбари Холида Нишонхўжаева қинғир йўл билан бойимоқчи бўлди. У белгиланган муддатда рўйхатдан ўтишдан бўйин товлаб, ноқонуний фойда олиш мақсадида яширинча спиртли ичимлик ва тамаки маҳсулотларини сотиш билан шуғулланиб келган. Ҳолбуки, муқаддам ҳам жиноят ишлари бўйича Чилонзор тумани суди томонидан у мансабдор лавозимни эгаллаш ёки ҳисоб-китоб билан боғлиқ ишларда фаолият кўрсатиш ҳуқуқидан 2 йил муддатга маҳрум этилган. Мутасаддилар томонидан дўконда текшириш ўтказилганда, бу ерда ҳеч қандай кирим ҳужжатисиз 304.600 сўмлик турли хилдаги спиртли ичимликлар ва 29.790 сўмлик тамаки маҳсулотлари мавжудлиги аниқланди.

Холида Нишонхўжаева ўзининг ушбу хатти-ҳаракатлари билан қонун талабларини қўпол равишда бузган. Шу боис у қилмишига яраша жазо олди.

Хулоса ўрнида шуни таъкидламоқчимизки, барча тадбиркор ва ишбилармон фуқароларимиз мавжуд қонунларимиз доирасида фаолият юритса, ҳеч қачон ютқазишмайди. Аксинча бўлганда эса, қонун олдида жавоб беришади.

**Камолиддин БУРҲОНОВ,**
**ҳуқуқшунос**

Эндигина иш бошлаган тадбиркор ёки фермер биринчи галда маблағга зарурат сезади. Чунки бирор фаолиятни изга тушириб олишдан олдин харажат талаб этилди. Ана шу кезларда тадбиркор ва фермер банкка мурожаат этади. Шу тариқа банк орқали тадбиркорлик ёхуд фермерликнинг илк қадами қўйилади. Ана шу дастлабки қадам файзли бўлса, билингки, тадбиркорнинг иши ўнгидан келиб, ривож топади. Аксинча бўлган ҳолда эса у

Ajab savdolar

6 миллион сўмлик имтиёзли кредит ажратиш тўғрисидаги ёзган аризаси банк бўлими томонидан негадир кирим қилинмаган. Лекин орадан беш кун ўтгач, ушбу деҳқон хўжалигига кредит ажратиш тўғрисидаги кредит комиссиясининг қабул қилган қарорида кўмита раиси Ж.Абсатторовнинг имзоси бўлмаса ҳам кредит ҳужжатлари расмийлаштирилган. “Раъно”

## СУИИСТЕЪМОЛЧИЛИК

сарсонгарчиликка дуч келади. Бу фикрнинг исботини “Пахтабанк”нинг Узун тумани бўлими фаолиятида яққол кўриш мумкин. Ўтган бир йил давомида “Пахтабанк”нинг Узун тумани бўлимига кредит ажратишни сўраб 63 та ариза келиб тушган бўлса-да, улар банк бўлимининг мурожаатларни қайд қилиш дафтарига рўйхатга олинмаган ва айрим аризалар банк томонидан тегишли муддатларда кўриб чиқилмаган. Масалан, якка тартибдаги тадбиркор Д.Йўлдошев ўтган йилнинг 8 июл куни қорамол ва омухта ем олиш учун банкдан кредит ажратишни сўраб ариза ёзган. Бироқ у банк кредит бўлимида орадан 25 кун ўтгач, яъни 2002 йилнинг 2 август куни рўйхатга олинган. Бундай ўзибўларчилик ҳолатлари битта эмас. Мисол тариқасида айтсак, тумандаги “Хуррам ота” деҳқон хўжалигининг 2002 йил 25 март куни вилоят аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва бандлик жамғармаси томонидан фермер хўжалиги томонидан 2002 йил 21 феврал куни бир миллион сўмлик қарз сўраб ёзган ариза ҳам кредит комиссияси томонидан маъқулланган бўлса-да, ушбу комиссия раиси, банк бошқарувчиси вазифасида ишлаётган Жўра Абсатторовнинг кредит беришга розилиги тўғрисида имзоси қўйилмаган. Бу эса банкда кредит ажратиш тўғрисида тадбиркорлардан тушган аризалар навбатининг бузилишига олиб келган. Аниқроқ айтганда, кимдир шубҳали тарзда пулни олдинроқ “илиб” кетган.

Бундан ташқари, якка тадбиркор М.Саидназаровнинг 27 март, Х.Раимовнинг 23 октябр, А.Нурматовнинг 30 апрел кунида кредит сўраб ёзган аризалари банкнинг кредит бўлимидаги дафтарда рўйхатга олинган бўлса-да, текшириш жараёнида ушбу тадбиркорларнинг аризалари банкдан негадир топилмади.

***(Давоми иккинчи бетда)***

# СУИИСТЕЪМОЛЧИЛИК

*(Давоми. Боши биринчи бетда)*

Банк фаолиятида кредит сўраб мурожаат қилган тадбиркорларнинг аризаларига тегишли муддатда жавоб бериш ҳолатлари ҳам қўпол равишда бузилган. Масалан, якка тадбиркор А.Раҳимовнинг 3 миллион 400 минг сўмлик кредит ажратишни сўраб ёзган аризаси 18-апрел куни қабул қилинган. Бироқ унга орадан қарийб беш ой ўтгач, яъни 26-август куни кредит ажратиш рад этилгани тўғрисида жавоб берилган. Орадаги бундай фарқ қарз сўраб банкка мурожаат қилган тадбиркорнинг сарсон бўлишига, узоқ вақт банкка бўзчининг мокисидек қатнаб юришига сабаб бўлган. Ҳолбуки, банк қонун-қоидаларига кўра, бундай аризалар уч кун ичида ҳал қилиниб, тегишли жавобини олиши лозим.

Банк фаолиятида тузилган шартнома шартларига амал қилмаслик ҳолатлари ҳам талайгина. Якка тадбиркор А.Нуралиев декабр ойида 2 миллион 500.000 сўмлик микрокредит олиш тўғрисида банк билан ўзаро шартнома тузган бўлсада, банк айби билан 600 минг сўмлик маблағни ҳанузгача ололмай сарсон бўлиб юрибди.

Бошқа бир тадбиркор Р. Маҳмудова 2-июл куни қорамол ва омухта ем олиш учун 3 миллион 500 минг сўмлик микрокредит ажратиш тўғрисида ариза билан мурожаат этган. Ушбу ариза банк кредит қўмитасининг 24-октябр кунидаги мажлисида (орадан 110 кун ўтгач) кўриб чиқилиб, ҳал қилинган бўлсада, негадир қўмитанинг 5 нафар аъзосидан 3 нафарининг розилиги олинмаган ҳолда кредит шартномаси расмийлаштирилган. Бунинг устига, банк бошқарувчиси Ж.Абсатторов кўрсатмасига асосан Р.Маҳмудова билан банк ўртасида кредит шартномаси тузилишидан уч кун олдин, яъни 2002 йилнинг 21-октябр куни Р.Маҳмудованинг 20218-сонли ҳисоб рақамидан 13801- сонли ссуда ҳисоб рақамига 001-сонли банк меъмориал ордери орқали қишлоқ хўжалик маҳсулотлари учун дея 713 минг сўм ўтказилган. Аслида эса бу маблағ "Асомиддин" кичик корхонасининг банк олдидаги кредит қарзларини қоплаш мақсадига йўналтирилган. Аниқроқ айтганда, тадбиркор Р.Маҳмудова ўзига ажратилган кредитнинг 887 минг сўмлик қисмини бировнинг қарзини ёпишга берган. Энди эса у емаган сомсага тўланган пулни ундириб ололмай ҳалак...

Банк раҳбариятига ўтган йили тайёрловчи томонидан пахта хомашёсини харид қилишга ажратилган пул маблағларидан мақсадли фойдаланишни назорат қилиш масъулияти юклатилган бўлса-да, банк бошқарувчиси Ж.Абсатторов ва масъул ходимлар бу борада ўз мансаб ваколатларини суиистеъмол қилишган. Масалан, "Серҳаракат" ширкат хўжалигининг 23220-сонли муваққат ҳисоб рақами орқали 27 сентябр куни 1 миллион сўм вилоят "Асаларичилик" уюшмасига гуруч маҳсулоти олиш учун, 23220-муваққат ҳисоб рақами орқали 30 сентябр куни 3.888.100 сўм, 2001 йилдаги шартномага асосан 23220-сонли муваққат ҳисоб рақами орқали 3-октябр куни 740 минг сўм "Сурхонозиқовқат" ҳиссадорлик жамиятига ўсимлик ёғи олиш учун олдиндан юз фоизлик тўлов сифатида асоссиз равишда ўтказиб берилган.

Бу билан банк ширкат хўжаликларига мақсадли ажратилган пул маблағларининг мақсадсиз сарфланишига имконият яратган. Масалан, "Сурхонозиқовқат" ҳиссадорлик жамиятига ўсимлик ёғи олиш учун К.Алиев номидаги ширкат хўжалигининг 23220-сонли муваққат ҳисоб рақами орқали шу йил 7 январ куни 1.9000 сўм, Амир Темур номидаги ширкат хўжалигининг 23220-сонли муваққат ҳисоб рақамидан 2002 йил 28 октябр куни 1.621.600 сўм ўтказиб берилган. Б.Очилдиев номидаги ширкат хўжалигининг 23220-муваққат ҳисоб рақамидан эса 2002 йил 25 сентябр куни "Боботоғ" савдо ҳиссадорлик жамиятидан олинган озиқ-овқатлар учун 500.000 сўм, 2002 йил 15 март куни Халқ Демократик партиясининг Узун тумани бўлимининг банкдаги ҳисоб рақамига 50 минг сўмни "ҳадя" қилинган. Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин. Аммо мақсадимиз фақат камчилик ва нуқсонларни қайта-қайта такрорлашдан иборат эмас. Гап шундаки, банк бошқарувчиси Ж.Абсатторов, бош ҳисобчи Х.Йўлдошевларнинг ўз вазифаларига совуққонлик билан ёндашгани қанчадан-қанча сарсонгарчиликларни келтириб чиқарди. Банк фаолиятидаги бундай қонунбузарликлар тадбиркорлар фаолиятига сунъий тўсиқ қўяётгани янада ачинарлидир.

Хулоса ўрнида айтсак, банкдаги маблағ халқ мулки ҳисобланади. Уни бирон-бир аниқ мақсадга йўналтирмасдан бошқа мақсадларда фойдаланишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Шунингдек, ўзибўларчилик ҳам ишни олға силжитмайди.

Демак, банк мутасаддилари бундан тегишли хулоса чиқаришлари лозим.

**Фахриддин КЎЛДОШЕВ,**
**ҳуқуқшунос**
**Собир ЁДИКОВ,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**

Ajab savdolar

Gazetxon xat yo`llabdi

## ПОСБОН АЖРАЛИБ ТУРСА...

*Маҳаллаларнинг ўз посбонларига эга бўлиши маҳалла тинчлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Посбонларнинг фаолиятини янада жонлантириш мақсадида уларни махсус кийимлар билан таъминлаш зарур, деб ўйлайман. Чунки ҳар бир одамга посбон эканини тасдиқловчи ҳужжат кўрсатиш айрим ноқулайликларни келтириб чиқаради. Хуллас, посбонларнинг ўзига хос ва бежирим иш кийими бўлса, одамлар уларни махсус кийимига қараб ажратиб олса, қандай яхши...*

**Муҳиддин ЖЎРАЕВ,**
**Касби тумани, Майманоқ қишлоғи**

## ИЗЛАГАН ИМКОН ТОПАДИ

*Жамоа хўжалигимизда 1500 ўринлик маданият саройи бор. Бир пайтлар бу ерда ҳар хил тадбирлар ўтказилар, дала ишларидан ҳориган меҳнаткашлар ҳордиқ чиқаришарди. Лекин кейинги уч-тўрт йил ичида киши кўрса, ҳаваси келадиган маданият саройи биноси қаровсизлик натижасида хароба ҳолига келиб қолган. Саройнинг ичига кирган одам синиқ стуллар, чириган пол тахталари, ёрилган шифт ва нураб бораётган деворларни кўриб, ёқа ушлаши тайин.*

*Хуллас, бинойидай кошона кўз олдимизда нураб бормоқда. Хўжалик раҳбарлари бу ҳолга "маблағ йўқ" деган баҳона билан эътиборсиз қараб туришибди. Шундай бўлса, у ҳолда саройни бирор иқтисодий бақувват ташкилотга бириктириб қўйиш мумкин-ку? Балки шунда нураётган сарой яна кошонага айланармиди?..*

**Акмал ШОДИЕВ,**
**Хатирчи тумани, Амир Темур номидаги жамоа хўжалиги**

## ЕРНИНГ ЭГАСИ КИМ?

*Мен Қибрай туманидаги "Байтқўрғон" ширкат хўжалигида оилавий пудрат бошлиғиман. 1999 йилда биз, оилавий пудратчиларга 80660 сўмлик мулкий пай ва 2325629 сўмлик ер пайи берилди. Ушбу ер пайига асосан ширкат хўжалигидан 3,40 гектар ерни ўн йил муддатга ижарага олдим. Лекин 2000 йилда бош пудратчи Олим Раҳмонқулов менга тегишли бўлган 3,40 гектар ерни ноқонуний равишда бошқа пудратчиларга бўлиб берди. Шундан сўнг 1 гектар ерга юз минг сўм тўлаб, шу ерда деҳқончилик қилишга мажбур бўлдим. Кейинги йилда менга тегишли бўлган қонуний ер майдонининг бор-йўғи 0,9 гектарига эгалик қилдим. Ниҳоят, ўтган йилнинг 5 сентябр куни 2003 йил ҳосили учун 3,40 гектар ерга буғдой экиш учун оила пудрати шартномасини туздик. Энди адолат қарор топар, деб ўйлагандим. Бироқ бош ҳосилот Абдумажид Жўрабоев ва бош пудратчи Олим Раҳмонқуловлар яна қонуний шартномани бузиб, менга 2,5 гектар ер майдони ажратиб беришди. Аслида шартнома бўйича ҳар гектар ерга 250 килограммдан буғдой уруғи экилиши керак эди. Биз эса бор-йўғи 208 килограммдан уруғ сепдик. Бундан ташқари, шартнома бўйича менга тегишли бўлган 0,4 гектар ер майдонига фуқаро Йўлчи Раҳмонқуловга пиёз экиб берилди. Ўз ҳуқуқимни талаб қилиб ширкат хўжалиги раиси Абдуқаюм Қосимовга мурожаат қилдим. Раис менга "ажратилган 3,40 гектар ер майдони сенинг номингда туради. Лекин унинг бир гектаридан Йўлчи Раҳмонқулов фойдаланади. Хоҳласанг шу, хоҳламасанг билганингни қил", деб жавоб берди.*

*Менга шартномада кўрсатилган 3,40 гектар ернинг ҳақиқий эгаси ким эканлигини аниқлашга ёрдам берингизлар.*

**Алишер ХОЖИЕВ,**
**Қибрай тумани, "Байтқўрғон" ширкат хўжалиги**

## АРИЗА ЎРГАНИБ ЧИҚИЛДИ

*Муборак туманидаги "Туркистон" деҳқон фермерлар уюшмаси ҳудудида жойлашган "Жўрабек" фермер хўжалиги раҳбари Ж. Ҳазратовнинг Бирлашган таҳририятга ёзган шикоят аризаси вилоят ҳокимлиги томонидан ўрганиб чиқилди.*

*Хатда баён қилинган важларнинг аксарияти ҳуқуқий асосга эга бўлмагани боис шикоятчига агар унда ушбу важларни исботловчи ҳужжатлар мавжуд бўлса, улар асосида тегишли ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларига мурожаат қилиши мумкинлиги тушунтирилди. Бундан ташқари, вилоят адлия бошқармаси ёрдами билан ариза муаллифида мавжуд бўлган ҳужжатга асосан туман "Агросуғурта" дирекцияси билан тузилган шартномадан кўрилган зарар қопламаси ва ихтиёрий суғурта эвазига олинадиган 520,0 минг сўм маблағ фермер хўжалиги ҳисоб рақамига тўлиқ ўтказиб берилди.*

**С. АЗИЗОВ,**
**Қашқадарё вилояти ҳокимининг ўринбосари**

## ҚАРЗЛАР ТЎЛАНАДИ

*Газетанинг шу йил 5-феврал сонида чоп этилган "Қарздорлик" сарлавҳали мақолада кўрсатилган камчиликлар вилоят ҳокимияти томонидан ўрганиб чиқилди. Маълум бўлишича, 2002 йил пилла етиштириш мавсумида вилоятнинг Хатирчи тумани ширкат хўжаликларида 175 тонна саноатбоп пилла хомашёси тайёрланиб, унинг қиймати 114590 миллион сўмни ташкил этган. Ушбу қийматнинг 65382 миллион сўми ёки 57 фоизи ширкат хўжаликларига тўланган.*

*Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 15 май куни эълон қилинган 246-сонли қарорида пилла хомашёсини фақат "Ўзбек ипаги" уюшмаси орқали сотиш белгиланган. Ҳозирда "Ўзбек ипаги" уюшмаси билан 63 тонна қуруқ пилла хомашёси сотиш учун шартнома тузилган. Ушбу шартнома бўйича тушадиган маблағ ҳисобидан вилоятдаги ширкат хўжаликларининг пилла бўйича қарзлари тез орада тўланади.*

**Ғ. АЛИЕВ,**
**Навоий вилояти ҳокимининг ўринбосари**

# ҚИММАТГА ТУШГАН МАСЛАҲАТ

Dakki

Кейинги пайтда адлия идоралари ёрдамида кўплаб қонунбузарликлар бартараф этилмоқда. Айниқса, шартнома қонунчилиги талабларига риоя этиш борасида сезиларли натижаларга эришилмоқда. Бироқ айрим хўжалик раҳбарлари қонунни назар-писанд қилмай, "ўзим хон, кўланкам майдон" қабилида иш юритишмоқда. Бу эса фермер ва оила пудратчиларининг моддий ва маънавий жиҳатдан зарар келтириш баробарида хўжалик иқтисодига ҳам қимматга тушаяпти. Буни қуйидаги мисолда яққол кўриш мумкин. Қуйи Чирчиқ туманидаги Беруний номидаги ширкат хўжалиги билан оила пудратчиси Рустам Маманазаров ўртасида 4 гектар ерда буғдой етиштириш учун шартнома тузилди. Шундан сўнг пудратчи режадаги 16 тонна ўрнига кўпроқ ҳосил етиштириш умидида тинмай меҳнат қилди. Натижада у режадан ортиқ ҳосил етиштирди. У ҳосилни омборга топширгач, ширкат хўжалиги раҳбари Илҳом Отажоновга учрашди. Шунда раҳбар ўз ҳақини талаб қилиб келган пудратчига ҳеч қандай буғдой бермайман деб, уни кўрслик билан хонасидан ҳайдаб чиқарди. Устига-устак, пудратчининг ойлик маошини ҳам бермади.

Пудратчи раис билан тортишиш бефойда эканини тушунгач, Адлия вазирлигига мурожаат қилди. Ушбу мурожаат асосида Тошкент вилояти адлия бошқармаси фуқаролик ишлари бўйича Ўрта Чирчиқ туманлараро судига даъво аризаси киритди. Суд мажлисида ширкат хўжалиги раиси И.Отажонов ушбу масалага қуйидагича изоҳ берди:

— Оилавий пудратчи Рустам Маманазаров ширкат хўжалиги билан 2002 йил буғдой ҳосили етиштириш учун шартнома тузган бўлиб, 18,4 тонна буғдой ҳосили етиштирган. Режадан ортиқ бўлган 2,4 тонна буғдойнинг 1,9 тоннаси шартномага асосан оилавий пудратчига берилиши керак эди. Лекин хўжалик омборида буғдой қолмагани сабабли берилмай турибди. Шунингдек, пудратчининг 48.468 сўм хўжаликдан оладиган иш ҳақи бор. Ҳозирда ана шу қарзни тўлаш чора-тадбирларини кўраяпмиз. Сабр қилса, ҳаммаси яхши бўлади...

Табиийки, суд хўжалик раисининг бу важларини эътиборга олмади. Суд мажлисида оила пудратчи Р.Маманазаровнинг иш ҳақини, шартномадан ортиқча топширилган маҳсулотни ўз вақтида бермагани учун етказилган моддий ва маънавий зарарни ундириш ҳақидаги даъвоси қаноатлантирилди. Суд қарорига асосан ширкат хўжалигидан оилавий пудратчи Р.Маманазаров фойдасига 100.109 сўмлик иш ҳақи, 26.147 сўм жарима, 2.168 килограмм буғдой натура ҳолида ёки 173.440 сўм пул — жами 353.972 сўмлик моддий зарар ундириладиган бўлди. Шунингдек, хўжалик 50.000 сўмлик маънавий зарарни ҳам тўлашга мажбур.

Шу ўринда меҳнаткашлар манфаатини ҳимоя қилувчи касаба уюшмалари фаолияти тўғрисида тўхталиб ўтишни лозим топдик. Чунки жойлардаги ҳудудий касаба уюшмалари ташкилотлари фаолликни бироз бўшаштириб юборган кўринади. Бинобарин, катта имкониятга эга бўлган бу жамоат ташкилоти ўз имкониятларини тўлиқ ишга солиши ва хўжалик юритишнинг янгидан-янги шаклари пайдо бўлаётган ҳозирги пайтда фаолиятини давр талабига мослаштириши лозим. Чунки Вазирлар Маҳкамасининг "Иш ҳақи ўз вақтида тўланишига доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорида меҳнатга ҳақ тўлашни тартибга солиш ва ўз вақтида тўланишини таъминлаш касаба уюшмаларига юклатилган.

Баён этилган воқеага ўхшаш ҳодисани оилавий пудратчи Дилором Жўраева ҳам бошидан кечирди. У ҳам ҳалол меҳнатининг ҳақини ололмади. Раис унга ҳам сабр қилишни маслаҳат берди. Бироқ пудратчи сабр қилиш ўрнига вилоят адлия бошқармасига мурожаат этди. Вилоят адлия бошқармасининг аралашуви билан оилавий пудратчининг қонуний ҳақ-ҳуқуқи тикланди.

Фуқаролик ишлари бўйича Ўрта Чирчиқ туманлараро суди қарори билан Д.Жўраева бошлиқ оила пудрати фойдасига устамаси билан 95.704 сўмлик иш ҳақи, 24.227 сўм жарима, 2.128 килограмм буғдой натура ҳолида ёки 170.224 пул — жами 340.559 минг сўмлик моддий зарар ширкат хўжалиги ҳисобидан ундириладиган бўлди. Шунингдек, хўжалик раҳбари ўз чўнтагидан 50.000 сўмлик маънавий зарарни ҳам тўлайди.

Хуллас, қийинчилик билан бўлса-да, ҳақиқат қарор топди. Энди йўл қўйилган хатоларни такрорламаслик ва улардан тўғри хулосалар чиқариб олиш лозим.

**Ўз мухбиримиз**

Huquqiy savodxonlik sari

# ТИББИЙ КЎРИКДАН ЎТИШ — МАЖБУРИЙ!

## "Оила" Кодексининг 17-моддаси матни ўзгарди

2000 йил июн ойида Соғлиқни сақлаш ва Адлия вазирлиги томонидан ёш келин-куёвларни никоҳгача бўлган даврда тиббий кўрикдан ўтказишга доир қўшма буйруқ қабул қилинган эди. Бироқ ушбу тадбир ижросини таъминлашда айрим муаммолар келиб чиқди. Бунга "Оила" Кодексининг 17-моддаси 1-қисмида баён этилган **"Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш, шунингдек, тиббий-ирсий ҳамда оилани режалаштириш масалалари бўйича маслаҳат бериш никоҳланувчи шахсларнинг розилиги билан давлат соғлиқни сақлаш тизими муассасалари томонидан амалга оширилади"**, деган ҳуқуқий меъёр сабаб бўлди десак, хато эмас. Чунки кўплаб никоҳланувчилар шеригининг розилиги йўқлигини рўкач қилишиб, тиббий кўрикдан ўтишни рад этишдики, натижада бу фойдали тадбир ижросида узилишлар рўй берди.

Олий Мажлиснинг 2002 йилнинг декабрь ойида бўлиб ўтган навбатдаги сессиясида "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қарор қабул қилинди. Ушбу қарорнинг 18-бандига биноан, "Оила" кодекси 17-моддаси матни қуйидаги таҳрирда баён этилди: **"Никоҳланувчи шахслар давлат соғлиқни сақлаш тизими муассасаларида бепул асосда тиббий кўрикдан ўтадилар. Тиббий кўрикдан ўтиш ҳажми ва тартиби Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади".**

Кўриниб турибдики, энди тиббий кўрикдан ўтишга никоҳланувчи шахсларнинг розилиги керак эмас. Аксинчидан, тиббий кўрикдан ўтиш никоҳланувчилардан муайян даражадаги харажатларни талаб этмайди. Бу эса соғлом авлодни вояга етиштириш йўлидаги яна бир эзгу тадбирдир.

Демак, бундан буён никоҳланувчилар дастлаб соғлиқни сақлаш муассасаларида бепул тиббий кўрикдан ўтишади.

**Тошпўлат ҚОРЁҒДИЕВ,**
**ҳуқуқшунос**

*Кенгашли тўй тарқамас...*

# НЎНОҚ "ФЕРМЕР"ЛАР

*Ишнинг кўзини билган, ҳалол меҳнат қилган фермернинг рўзғори тўкин, эл орасида ҳурмат-эътиборли бўлади. Бунга истаганча мисол келтириш мумкин.*

Аммо шоли курмаксиз бўлмаганидек, фермерликка ҳам шунчаки қўл учида киришган, бунинг оқибатида ерни ҳам, ўзини ҳам алдаётганлар йўқ эмас. Узунлик Р.Нозимов аввалига яхши ниятлар билан ўз оила аъзолари билан маслаҳатни бир жойга қўйиб, туман ҳокимининг 1997 йил 23-сентябр кунидаги 417-сонли қарорига асосан "Нозим" фермер хўжалигини ташкил этди. Ижара шартномаси тузилиб, унга 3 гектар ер узоқ муддатга ижарага берилди. Шундан сўнг фермер енг шимариб ишга киришди. Бироқ даладаги ишларни ҳадеганда ўз ўрнига қўёлмади. Ерни ҳайдашга трактор топса, ёқилғи тополмади. Экинга сувни келтиришнинг ҳам ўзи бўлмас экан. Хуллас, шундай "юғур-юғур" билан ерга уруғ қадади. Аввалига ишлар бир мунча олға силжигандек бўлди. Бироқ кейинги йилларда фермернинг ишлари орқага қараб кетди. 1999 йилда далани "занг" касали босди, дея режани уддалай олмади. Кейинги йили сув танқис бўлди, деган баҳонада шартнома шартлари ўлдажўлда қолиб кетди. Шу тариқа сўнгги уч йилда барча турдаги режалар бажарилмай қолди. Шу сабабли Б.Олимов номидаги ширкат хўжалиги бошқаруви уч йилдан буён шартнома шартларининг ҳар хил баҳона ва важ-карсонлар билан бажарилмай қолаётганига эътибор қаратиб, фермердан ерни қайтариб олиш мақсадида вилоят хўжалик судига даъво аризасини киритди. Фермер Р.Нозимов ишнинг бундай чаппа кетишини кутмаган шекилли, суд мажлисида бу йил барча турдаги режаларни бажариш имконияти борлиги, шу сабабли ерни ўзига қолдиришларини, мабодо бу йил ҳам шартнома шартларини бажаролмай қолса, ерни ўз ихтиёри билан топширишини билдирди. Бироқ хўжалик суди унинг илтимосларини қаноатлантирмасликни лозим топди.

Шу туманда истиқомат қилувчи Б.Облақулова ҳам 1997 йилда туман ҳокимининг 338-сонли қарори билан "Шохруҳ" фермер хўжалигини ташкил этган эди. Фермер ўзига ажратилган икки гектар ерда йилда пахта сотиш режаси 30 фоизга, 1999 йилда ғалла топшириш режаси 26 фоизга, 2001 йилда эса барча шартнома шартлари бор-йўғи 59 фоизга бажарилди, холос. Фермернинг ишидан қониқмаган ширкат хўжалиги бошқаруви хўжалик судига даъво аризаси киритиб, ерни қайтаришни сўради. Вилоят хўжалик суди Ер Кодексининг 79,90,91-моддаси, "Фермер хўжалиги тўғрисида"ги Қонуннинг 16,32,36-моддалари ва Хўжалик Процессуал Кодексининг 24-моддасига мувофиқ ширкат хўжалиги билан "Шохруҳ" фермер хўжалиги ўртасида ерни узоқ муддатга бериш тўғрисида тузилган шартномани бекор қилиш ҳақида ҳал қилув қарорини чиқарди.

Жарқўрғон туманидаги Алишер Навоий номидаги ширкат хўжалиги ҳудудида ташкил қилинган "Кумма" фермер хўжалиги ўзига ажратилган 23 гектарлик майдондан "билса билар, билмаса ғовлаб кетар" қабилида фойдаланиб келди. Фермер хўжалиги бошлиғи Г.Даланов шартномадаги 15 гектар ер ўрнига 13 гектарга пахта экди. Икки гектар ерга эса маккажўхори экиб ташлади. Оқибатда пахта етиштириш режаси бажарилмай қолди. Тўғрироғи, режадаги 45 тонна ўрнига 17,8 тонна ёки шартнома шартларининг 39,5 фоизи даражасида "хирмон" кўтарди. Бундан ташқари, фермер ерни бошқаларга ноқонуний ижарага бериб юборди. 3 гектар ерга бошқа экинлар экиб, ўз фойдасига даромад олишни кўзлади. Табиийки, ширкат хўжалиги бошқаруви бунга лоқайд қарамади ва фермердан ерни қайтариб олиш тўғрисида вилоят хўжалик судига даъво аризаси киритди. Даъво аризаси юзасидан ўтказилган текширувда фермер хўжалиги бошлиғи Г.Далановнинг ердан фойдаланиш тўғрисидаги қонунларни қўпол равишда бузгани аниқланиб, даъво аризасидаги барча важлар ўз исботини топди.

Шўрчи туман ҳокимининг 1995 йилдаги 275-сонли қарори билан ташкил топган "Омад" фермер хўжалиги шу тумандаги "Ободон" ширкат хўжалигидан 50 гектарлик ер майдонини узоқ муддатга ижарага олиб, фаолият кўрсата бошлади. Дастлабки йилларда фермер хўжалиги шартнома шартларини бажаришга астойдил ҳаракат қилди. Лекин кейинги йилларда эса "Омад"нинг омади чопмай қолди. 1999-2001 йилларда пахта, ғалла етиштириш режалари ўлда-жўлда қолиб кетди. Бунга ердан мақсадсиз фойдаланиш, бошқа шахсларга ижарага ва ҳаттоки уй-жой қуриш учун бериб юборилгани сабаб бўлди. Шунингдек, туман ҳокимининг 1999 йил 7 октябр кунидаги 644-сонли қарори билан "Омад" фермер хўжалигига қарашли икки гектар ер майдони тиббиёт коллежи қурилиши учун олиб қўйилган. Аммо бу илм даргоҳининг қурилиш ишлари ҳали бошланмаган бўлсада, фермер хўжалиги бу майдонга экин экиб, ундан олинган ҳосилни ҳеч қандай ҳисоботларга киритмай келган. "Ободон" ширкат хўжалиги бошқарувининг хўжалик судига ўзаро тузилган шартномани бекор қилиш тўғрисида киритган даъво аризаси юзасидан ундаги келтирилган далиллар ўрганилганда, "Омад" фермер хўжалиги фаолиятида бир қатор қонунбузарликларга йўл қўйилганлиги аниқланди. Жумладан, мазкур фермер хўжалиги ўзига тегишли ерларни ҳеч бир ҳужжатсиз амалдаги қонунларни қўпол равишда бузган ҳолда фуқароларга уйжой қуриш учун бериб юборилгани ўз исботини топди. Шунингдек, "Фермер хўжалиги тўғрисида"ги Қонуннинг 12-моддасида фермер хўжалиги бошлиғининг розилигисиз фермер хўжалиги участкасининг ўлчами ва чегаралари ўзгартирилиши мумкин эмаслиги қайд қилинганига қарамасдан Шўрчи туман ҳокимлиги айнан шу "Омад" фермер хўжалигига қарашли ерлардан фуқароларга ер участкаси ажратиб бериш тўғрисида қарор чиқарган. Хўжалик суди мазкур ҳолатлар бўйича вилоят ҳокимлиги ва прокуратура идораларига тегишли хусусий ажримлар чиқарди. Шунингдек, суд "Ободон" ширкат хўжалиги бошқарувининг даъвосини тўлиқ қаноатлантиришни мақсадга мувофиқ деб топди.

Ерни эъзозлаганни эл эъзозлайди. Фермерликнинг қадрини баланд тутиб, халқимиз орасида ўз ҳурматига сазовор бўлаётган фермерлар жуда кўп. Улар баҳоли қудрат юрт фаровонлиги йўлида хормай-толмай меҳнат қилишмоқда. "Фалон фермер ўз қишлоғида мактаб қурибди, яна бири бундай саховат кўрсатибди" қабилидаги илиқ таърифларни эшитганингда ўша фермерларга тасаннолар айтасан, киши. Ҳалоли бўлсин, топгани ўзига буюрсин, дея дуога қўл очасан. Мақоламизда тилга олинган нўноқ фермерлар фаолияти ҳақида эса фақат афсусфланиш мумкин, холос.

**Чормамат СОБИРОВ,**
**Сурхондарё вилояти**

Taassuf

# РАҲБАРЛИК МАСЪУЛИЯТИ

## у ҳамиша фидойилик ва ташаббускорликни тақозо этади

Кўча муюлишида уч-тўрт киши суҳбатлашиб турарди. Гап айланиб, тирикчилик ташвишларига бориб тақалди. Шунда суҳбатдошлардан бири "хорижда зўр-да, ҳамма нарса етарли, маҳсулотлари сифатли" деб қолди. Очиғи, бу гапда жон бор. Лекин шу ўринда ҳақли бир савол туғилади: Хўш, хорижликлар мана шу тараққиётга қанча вақтда ва қандай қилиб эришган? Қолаверса, қачонгача фақат чет эллинг маҳсулотини мақтаб, оғзимизнинг суви кетади? Тўғри, айрим хориж маҳсулотлари бизникига қараганда сифатлироқдир, аммо биз ҳам мана шундай маҳсулотларни ишлаб чиқаришимиз мумкин-ку? Ахир, одам бажарган ишни одам қилолади, дейдилар. Хўш, шундай экан, бизга нима тўсқинлик қилмоқда?! Бу каби саволларга жавоб топишда аввало Президентимиз Ислом Каримовнинг бундан беш йил муқаддам эълон қилинган "Хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий ночорлиги ва шартнома мажбуриятларининг бажарилиши учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини кучайтириш тўғрисида"ги Фармонини албатта эсга олиш лозим. Чунки ушбу Фармонда кўплаб хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарларининг масъулиятсизлиги, ташаббуссизлиги, боқимандалик кайфияти корхоналарнинг шартнома мажбуриятларини бузиши, уларни иқтисодий ночорлик ва банкротликка олиб келмоқда, деб таъкидланган. Бу фикрни раҳбарлик лавозимида ўтирган ҳар бир шахс чин юракдан ҳис қилиши лозим. Зеро, ҳар қандай иш унуми кўп жиҳатдан раҳбарларга боғлиқ.

Гапнинг лўндасини айтсак, айрим жойлардаги раҳбарлар бу Фармоннинг ижросига юзаки қарашди. Бунга истаганча мисол келтириш мумкин.

Энди мазкур Фармоннинг ижроси юзасидан бажарилган ишларга эътибор қаратсак, бу борада Тошкент шаҳар хўжалик суди томонидан 1998-2002 йиллар мобайнида салмоқли натижалар қўлга киритилганига гувоҳ бўламиз. Масалан, мансабдор ва жавобгар шахсларга нисбатан 101 та жиноят иши қўзғатилган, 826 нафар мансабдор шахслар маъмурий, 273 нафари интизомий, 249 нафари эса моддий жавобгарликка тортилган.

Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан ўтган йилда шаҳар хўжалик судида олдинги йилларга нисбатан жиноят ишлари камроқ қўзғатилган. Яъни 2001 йилда 15 та жиноят иши қўзғатилган бўлса, 2002 йилда бу кўрсаткич атиги 5 тани ташкил этган.

Таққослаш учун яна бир мисол: 2001 йилда 164 нафар шахс маъмурий жавобгарликка тортилиб, айбдор шахслардан 1.904.380 сўм пул маблағи ундирилган бўлса, 2002 йил давомида 247 нафар шахс маъмурий жавобгарликка тортилган ва улардан 3.047.745 сўм маблағ ундирилган. Кўриниб турибдики, маъмурий жавобгарлик чораларини қўллаш ўтган йилларга нисбатан бир мунча кўпайган. Масалан, "Тошкент ҚМК" акциядорлик жамиятининг дебиторлик қарзларини сунъий равишда яшириб келгани ва ўз вақтида судга мурожаат этмагани учун "Тошкентсут" акциядорлик жамияти раиси А.Эргашев ҳамда бош ҳисобчи Д.Раҳмоноваларнинг ҳар биридан илгари 39.450 сўмдан жарима ундирилган бўлса, бошқа хўжалик иши бўйича тўлов интизомини қўпол равишда бузгани учун кейинги гал корхонанинг раҳбарига нисбатан 19.725 сўм, бош ҳисобчисига нисбатан эса 11.835 сўм жарима қўлланган. Шунингдек, узоқ муддатли дебиторлик қарзига йўл қўйгани учун "COSCOM" қўшма корхонаси раҳбарининг ўринбосари М.Қурбоновга нисбатан 7890 сўм жарима қўлланилган ва бошқа хўжалик ишлари бўйича икки маротаба корхонанинг масъул ходимлари Г.Пак ва Е.Пакларга нисбатан маъмурий жазо чоралари қўлланиб, уларнинг ҳар биридан 9070 сўмдан жарима ундирилган.

Умумлаштириб айтадиган бўлсак, 2001 йилда моддий жавобгарлик чорасини қўллаш бўйича 61 та хусусий ажрим чиқарилиб, уларнинг 40 таси бўйича мансабдор шахслардан хўжалик юритувчи субъектлар фойдасига 976.513 сўм маблағ ундирилган бўлса, 2002 йилда эса 75 та хусусий ажримлар чиқарилган ва улар бўйича мансабдор шахслардан хўжалик юритувчи субъектлар фойдасига 2.424.009 сўм ундириб берилган. Бундан моддий жавобгарлик чорасини қўллаш ҳам олдинги йилларга нисбатани анча кўпайгани кўриниб турибди. Масалан, 10-0201/1235-сонли хусусий ажрим билан "Тошмахсуспардозқурилиш" акциядорлик жамияти бошқарув раисининг ўринбосари Г.Ҳакимов томонидан амалдаги қонунчилик талаблари ҳамда шартнома шартлари тўлиқ бажарилмагани оқибатида акциядорлик жамиятига етказилган зарарни қисман қоплаш мақсадида ундан ўртача ойлик иш ҳақи миқдоридаги маблағ ундирилган. Шунингдек, 10-0214/567-сонли хусусий ажрим билан бошқарув раиси вазифасини бажарувчи М.Баратов хўжалик юритувчи субъектга етказилган 215.241 сўм моддий зарарни ўз ҳисобидан тўлаган.

Бу каби мисоллар Президентимиз Фармони ижросини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар иқтисодиёт соҳасида рўй бериши мумкин бўлган кўплаб ҳуқуқбузарлик ва нуқсонларнинг олдини олишга хизмат қилаётганини исботлайди.

Хулоса ўрнида айтадиган бўлсак, ҳар бир раҳбар ўз ишига масъулият билан ёндашиши, фаолиятини қонун асосида қурмоғи лозим. Раҳбар бугунги кун талабларидан келиб чиқиб иш юритмас экан, у бошлиқ корхона фаолиятида силжиш бўлмайди. Демак, ҳар бир Фармон ва қарорга жиддий эътибор билан ёндашишимиз, унинг ижросини ўз вақтида таъминлашимиз шарт. Ана шунда кўзлаган мақсадимизга тезроқ эришамиз.

**Мансур ҲАСАНБОЕВ,**
**ҳуқуқшунос**

Islohot odimlari




Huquqiy ma`rifat

# МАЪНАВИЙ ЗАРАР

## у қандай ундирилади?

Маънавий зарар учун тўловлар ундириш фуқароларнинг бузилган ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг муҳим усулларидан биридир. Мамлакатимиз қонунчилигида маънавий зарар учун тўловлар ундириш масаласи илк бор Фуқаролик Кодексида ўз аксини топди. Ҳозирга пайтда эса маънавий зарарни ундириш бошқа қатор ҳуқуқий ҳужжатлар билан ҳам тартибга солинади. Жумладан, Меҳнат Кодексининг 112-, 187-, 272-моддаларида иш берувчи томонидан ходимга тўланиши лозим бўлган зарар сифатида маънавий зарар ҳам эътироф этилди. Шунингдек, маънавий зарарни суд тартибида ундириш юзасидан қонунчиликнинг қўлланилиши амалиёти бўйича Олий суд Пленумининг "Маънавий зарарни қоплаш ҳақидаги қонунларни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида"ги 2000 йил 28 апрел куни эълон қилинган қарорида ҳам тушунтиришлар бериб ўтилган.

Фуқаролик Кодексининг 1021-моддаси мазмунидан келиб чиқиб айтиш мумкинки, маънавий зарар деганда фуқарога нисбатан шахсий номулкий ҳуқуқларини бузувчи ҳаракатларнинг содир этилиши натижасида унинг жисмоний ва руҳий азобланиши тушунилади.

Маънавий зарарни ундириш тўғрисидаги ишлар бўйича даъвогар жисмоний ёки руҳий азобланган шахс ҳисобланади. Жавобгар эса даъвогарнинг жисмоний маънавий азобланишига асос бўлган ҳаракат (ҳаракатсизлик)ни содир этган шахсдир. Меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган маънавий зарарни ундириш ҳақидаги низоли ишлар бўйича даъвогар жисмоний ёки руҳий азобланган ходим, жавобгар эса иш берувчидир. Ҳуқуқшунос А.Ставцева ходимга етказилган маънавий зарар учун пуллик тўлов, гарчи зарар мансабдор шахснинг айбли хатти-ҳаракати оқибатида етказилган тақдирда ҳам, албатта, корхона томонидан ундирилиши лозимлиги ҳақидаги фикрни илгари сурган. Унинг таъкидлашича, мазкур даъво бўйича судда жавобгар сифатида даъвогар билан меҳнат муносабатларида бўлган корхона иштирок этади.

Ушбу фикрга қўшилган ҳолда, шуни айтиш мумкинки, Меҳнат Кодексининг 112-моддасига биноан меҳнат шартномаси ғайриқонуний равишда бекор қилинганда ёки ходим ғайриқонуний равишда бошқа ишга ўтказилганида аввалги ишига тикланган ходимга нисбатан етказилган маънавий зарар иш берувчидан ундирилади. Лекин ходим билан тузилган меҳнат шартномаси мансабдор шахсларнинг айби оқибатида бекор қилинган тақдирда, ходимга етказилган маънавий зарар учун корхона томонидан тўланган маблағнинг айбдор мансабдор шахслардан ундирилиши масаласи суд амалиётида муаммо бўлиб турибди.

Маълумки, Фуқаролик Процессуал Кодексининг 259-моддасига кўра, меҳнат шартномаси ғайриқонуний равишда бекор қилинган ходимларни ёки ғайриқонуний равишда бошқа ишга ўтказилган ходимларни аввалги ишига тиклаш тўғрисидаги ишлар бўйича суд ўз ташаббуси билан меҳнат шартномасини бекор қилишга ёки бошқа ишга ўтказишга фармойиш берган мансабдор шахсни учинчи шахс сифатида ишда иштирок этиш учун жавобгар томонига жалб қилиши шартлиги ўз ифодасини топган.

Назаримда, ходимга етказилган маънавий зарарни ундириш тўғрисидаги талаблар бўйича ҳам ходимни ғайриқонуний равишда ишдан бўшатган ёки бошқа ўтказишга фармойиш берган мансабдор шахс суд томонидан учинчи шахс сифатида жалб этилиши лозим. Башарти, суд меҳнат шартномасининг бекор қилиниши ёки бошқа ишга ўтказиш очиқ-ойдин қонунга зид бўлганини, ходимга етказилган маънавий зарарда мансабдор шахснинг айбдорлигини аниқласа, шу заҳоти айбдор мансабдор шахс зиммасига маънавий зарар учун тўлов ундириш натижасида ташкилотга етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш мажбуриятини юклаши мумкин.

Фуқаролик Кодексида маънавий зарарнинг пул шаклида қопланиши билан боғлиқ муаммоларга барҳам берилгандек эди. Лекин ҳуқуқий адабиётларда маънавий зарарни ундиришнинг бир вақтда бир неча шаклини қўллаш ва маънавий зарар билан зарарнинг бошқа турлари, хусусан, жисмоний зарар ўртасидаги ўзаро боғлиқлик масалалари ҳозирги кунда ҳам кенг муҳокама этилиб келинмоқда.

Мазкур муаммонинг юзага келишидаги сабаблар сифатида Меҳнат Кодексининг 187-моддаси иккинчи қисмида маънавий зарар (жисмоний ва руҳий азоблар) пул шаклида ёки бошқа моддий шаклда ҳамда иш берувчи билан ходим ўртасидаги келишувга мувофиқ равишда, ходим меҳнат вазифаларини бажариш муносабати билан боғлиқ ҳолда вафот этган тақдирда эса иш берувчи ва вафот этган ходимнинг оила аъзолари ўртасидаги келишувга мувофиқ равишда белгиланган миқдорда қопланиши билан боғлиқ ҳуқуқий меъёрнинг баён этилганини айтиб ўтиш мумкин. Бунга мувофиқ ходимга етказилган маънавий зарар фақат пул шаклида эмас, балки бошқа моддий шаклда, маслан, жабрланувчининг ҳаётий эҳтиёжини қондирувчи ашёнинг топширилиши ёки унга нисбатан турли хил хизматларнинг кўрсатилиши орқали ҳам қопланиши мумкин. Айрим ҳуқуқшунос олимлар, хусусан, А.Белякова жабрланувчига руҳий азоб-уқубатлар ва қийноқлар натижасида етказилган маънавий зарар пул шаклида қопланишига йўл қўймаслик лозимлигини таъкидлайди.

Бошқа бир ҳуқуқшунос А.Эрделевский маънавий зарарнинг пул шаклида қопланишини ёқлаб чиқар экан, зарарнинг фақатгина моддий шаклда қопланиши жабрланувчининг кейинчалик ҳам бир маромда ҳаёт кечириши учун етарли бўлмай, аксинча, жабрланувчи томонидан қўшимча харажатлар қилинишига олиб келиши мумкинлигини баён этган.

Фикримизча, маънавий зарарнинг фақат пул билан ёки фақат моддий шаклда қопланиши мумкин эмас. Айтайлик, зарар етказувчи — корхона оғир молиявий инқирозни бошдан кечирмоқда ва айнан пул шаклида маънавий зарарни қоплаш учун айланма воситалар мавжуд эмас. Ушбу ҳолатда жабрланган ходим билан иш берувчи ўртасидаги келишувга мувофиқ маънавий зарар бошқа моддий шаклда (масалан, компьютер, телевизор, музлаткич ва ҳ.к) ҳам қопланиши мумкин.

Кузатишимизча, айнан корхоналар иқтисодий аҳволнинг қийинлиги судлар томонидан маънавий зарар учун ундирилаётган маблағ миқдорининг камайтирилишига олиб келмоқда. Судлар жавобгарнинг молиявий аҳволи билан боғлиқ ижро босқичида юзага келиши мумкин бўлган муаммоларнинг олдини олиш мақсадида маънавий зарарни ундириш ҳақидаги ҳал қилув қарорида корхонанинг мулкий аҳволига таъсир қилмайдиган ва ундирилиши аниқ бўлган маблағ миқдорини кўрсатади. Ўз навбатида, маънавий зарарни ундириш амалиётида фақат пул шаклини эмас, балки бошқа моддий шакллардан ҳам фойдаланиш жисмоний ва руҳий азоблар учун тўлов белгилашнинг энг оқилона усули ҳисобланади.

Баён этилганлардан келиб чиқиб, Фуқаролик ва Меҳнат Кодексларида баён этилган маънавий зарарни ундириш ҳақидаги меъёрларни Фуқаролик Кодексининг 1022-моддаси биринчи қисми қуйидаги таҳририда баён қилиниши лозим: "Маънавий зарар пул шаклида ёки жабрланувчи ва зарар етказувчи ўртасидаги келишувга мувофиқ, бошқа моддий шаклда ҳам қопланади". Ўйлаймизки, ушбу таклиф суд амалиётидаги маънавий зарарни ундириш борасидаги муаммоларни ечишга ёрдам беради.

**Музаффар МАМАСИДДИҚОВ,**
**ҳуқуқшунос**

*Давлатимиз адашиб хато йўлларга кириб қолган кимсаларни тўғри йўлга қайтариш учун уларга барча имкониятларни берди. Ўзининг бағрикенг, кечиримли эканини, тузумимизнинг инсонпарварлик моҳиятини яна бир карра тасдиқлади. Чунки ана шу адашганлар ҳам ўз фарзандларимиз. Уларни элу юрт корига ярайдиган одамлар қилиб тарбиялаш ҳам бизнинг бурчимиздир.*

**Ислом КАРИМОВ**

Farmon va ijro

# АМНИСТИЯ

## БАҒРИКЕНГЛИК, ИНСОНПАРВАРЛИК ВА ОЛИЖАНОБЛИК ТИМСОЛИ

***Эртанги куни учун қайғурадиган ҳар бир жамият, энг аввало, инсон қадр-қиммати, шаъни ва ҳақ-ҳуқуқлари ҳимоясига алоҳида эътибор билан қарайди. Зеро, инсоннинг ҳақ-ҳуқуқи қатъий муҳофаза этилган, унинг шаъни улуғланган жамиятнинг пойдевори мустаҳкам, келажаги порлоқ бўлган.***

***Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг мамлакатимизда инсон шаъни ва ҳуқуқлари қонун асосида эъзоз топди. Ушбу олий қадриятларнинг дахлсизлиги бош қомусимиз бўлган Конституциямизда кафолатлангани фикримизга ёрқин далилдир. Ана шу конституциявий тамойил асосида кўплаб янги қонунлар қабул қилиндики, уларда инсон ва жамият манфаатлари муҳофаза этилган. Шу маънода ҳар бир қонун инсон шаъни ва ҳақ-ҳуқуқлари муҳофазасига хизмат қилмоқда, десак, асло хато эмас.***

***Энди инсон ҳаётига разм соладиган бўлсак, у ҳеч қачон бир маромда кечмайди. Ютуқлар, йўқотиш-у адашишлар ҳамиша ёнма-ён юради. Шу боис ҳаётда айрим одамлар билиб-билмай адашиб қолишади. Бу адашиш баъзан жуда қимматга тушади. Шундай кезларда одам меҳр-мурувватга зор бўлади. Кечиримлилик, бағрикенглик ва тантилик унга яна тўғри йўлга тушиб олишга имкон яратади. Ана шу олижаноб хислатлар халқимиз табиатида азал-азалдан мавжуд. Бу азалий қадрият мустақиллик йилларида янада кучлироқ намоён бўлмоқда. Бунга мисол сифатида Президентимиз томонидан эълон қилинаётган, ҳаётдан адашган ва жиноят йўлига кириб қолган шахсларни авф этиш тўғрисидаги Фармонларни айтиб ўтиш жоиз. Мустақиллик йилларида Президент Ислом Каримов ўн уч маротаба Амнистия ҳақидаги Фармонга имзо чекди. Ушбу тарихий ҳужжатлар жамиятда ижтимоий адолатни қарор топтириш ва уни мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Ҳар бир Фармондан сўнг ўн минглаб адашган фуқаролар ўз оиласи ва тинч ҳаёт бағрига қайтди. Бундай бағрикенглик ва тантилик улар ҳаётида ўчмас из қолдириши шубҳасиз. Зеро, улар эзгулик туфайли қайта ҳаёт бошлашмоқда. Энди улар ҳалол меҳнат қилиб, оиласи, қариндош-уруғлари, маҳалла-кўй, эл-юрт олдида айбларини ювиши тайин. Чунки эзгулик эзгулик куртакларини пайдо этади. Буни авф қилинган маҳкумларнинг пушаймонлик ва миннатдорчилик акс этган изҳорларида ҳам кўриш мумкин.***

# ИЖРО МЕЗОНИ

Президентимиз Ислом Каримовнинг "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 10 йиллиги муносабати билан Амнистия тўғрисида"ги Фармони эълон қилинган кундан бошлаб Республика Бош прокуратураси ходимлари унинг мазмун ва моҳиятини кенг жамоатчилик ўртасида мунтазам тарғиб этиб келишмоқда. Ушбу Фармон ижроси бўйича Республика Бош прокуратурасига жуда катта масъулият юкланган. Шу боис Фармон ижросининг қонунийлигини таъминлаш мақсадида Бош прокурор томонидан кўрсатмалар ва тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, у изчиллик билан амалга оширилмоқда. Бу борада прокуратура идоралари ходимларининг масъулиятини ошириш учун ҳам алоҳида кўрсатмалар берилди.

Ана шу вазифалардан келиб чиқиб, Бош прокуратура ходимлари томонидан турли хил учрашув, суҳбат ва анжуманларда, шунингдек, оммавий ахборот воситалари орқали мазкур фармонни ижро этиш юзасидан зарур тадбирлар амалга оширилди.

Энди ушбу Фармоннинг аввалгилардан фарқли жиҳатларига тўхталадиган бўлсак, аввало иқтисодиёт ва хўжалик соҳасида жиноятлар содир этиб, биринчи марта судланган ва етказилган моддий зарарни қоплаган шахсларнинг жазодан озод этилиши илгариги Фармонларда кўзда тутилмаган эди. Энг муҳими эса, ушбу Фармонда Президентимизнинг бағрикенглиги ва олижаноблиги туфайли диний экстремистик гуруҳларга билиб-билмай кириб қолган, улар таркибида мамлакатимиз Конституциявий тузумига қарши жиноятлар ёки жамоат хавфсизлигига қарши бошқа қилмишлар содир этгани учун ўн йилдан ортиқ бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ жазоларга биринчи марта тортилган шахсларнинг озод этилиши белгилаб қўйилди. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, конституциявий тузумга қарши жиноят содир этган шахслар ичида гуруҳга адашиб, алданиб ёки тазйиқ остида кириб қолган шахслар ҳам бўлиши мумкинлигини унутмаслик лозим. Бундан ташқари, Фармоннинг 8-моддасига мувофиқ унинг 4 ва 6-моддалари экстремистик ташкилотлар фаолиятидаги иштироки, улар таркибида мамлакатимизнинг конституциявий тузумига қарши жиноятлар ёки жамоат хавфсизлигига қарши бошқа қилмишлар содир этган шахсларга қўлланилиши учун мажбурий шарт сифатида маҳкумнинг содир этган жиноятидан чин кўнгилдан пушаймонлиги тўғрисидаги аризаси, жазони ижро этиш муассасаси маъмурияти томонидан берилган унинг қилмишидан пушаймонлигини тасдиқловчи хулосаси, маҳкумнинг яқин қариндошлари, яшаш жойидаги фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш идорасининг кафиллик хатлари мавжуд бўлган ҳолатларда тадбиқ этилиши кўрсатилган.

Қайд этиб ўтилган ҳолатлардан келиб чиқиб, ҳозиргача 900 нафардан ортиқ маҳкумларга тегишли ҳужжатлар йиғилиб, улар жазони ўташдан озод этилди. Бу ўринда уларнинг чин дилдан пушаймон эканликларига алоҳида эътибор қаратилди.

Ўз жазо муддатларини ўтаётган барча фуқароларга Фармоннинг бирдек қонуний тадбиқ этилиши прокуратура идоралари томонидан қатъий равишда назорат қилиб борилмоқда. Ҳозирда мазкур Фармон жами 57 минг нафардан ортиқ шахсларга тадбиқ этилиб, уларнинг 33 минг нафардан ортиғи жазодан озод этилди.

***Истиқлол йилларида Президентимиз Ислом Каримов томонидан "Амнистия тўғрисида" 13 та Фармон эълон қилинди.***

* * *

***Президентимизнинг Бош Қомусимиз — Конституциямизнинг 10 йиллиги муносабати билан эълон қилинган "Амнистия тўғрисида"ги Фармони 57783 нафар маҳкумга нисбатан қўлланилди. Шундан:***

***— 33752 нафар маҳкум жазодан муддатидан илгари озод этилди, жумладан, 5047 нафар маҳкум бевосита жазони ижро этиш муассасаларидан озодликка чиқарилган бўлса, уларнинг 923 нафарини диний экстремистик ташкилотлар таркибида давлатимиз Конституциявий тузумига қарши жиноятлар содир этган ва жазони ўташ даврида ўз қилмишларига чин кўнгилдан пушаймон, амалда қатъиян тузалишга ўтганлар ташкил этади.***

***— 24031 нафар маҳкумнинг жазо муддати қисқартирилди;***

***— Озодликка чиққан маҳкумларнинг тинч ҳаётга мослашиши учун 59 миллион 230 минг сўм миқдорида моддий ёрдам кўрсатилди.***

Фармоннинг тўлиқ тадбиқ этилиши учун масъул бўлган ходимлар томонидан қонунбузилиши ҳолатлари содир этилмаслиги учун зарур чоралар кўрилаётир, айниқса, жазодан озод этилган шахслар билан жойларда олиб борилиши лозим бўлган ишлар аниқланиб, уларга нисбатан прокурор таъсир чоралари кўрилди.

Фармонда жазони ўташ жойларидан озод этилган шахсларни ишга жойлаштириш мақсадида турли ташкилотларда бўш иш ўринлари яратиш, собиқ маҳкумларга тегишли моддий ҳамда бошқа ёрдам кўрсатиш, ногирон ва кексайиб қолган ёлғиз шахсларни ногиронлар ва қариялар уйларига жойлаштириш, жазодан озод этилган вояга етмаганларни ота-оналарининг ёки васийлик ҳамда ҳомийлик назоратига топшириш кўзда тутилган.

Бу борада прокурорлар томонидан текширишлар ўтказилганда қонунбузилишларига йўл қўйилаётганлиги ҳолатлари ҳам аниқланди. Масалан, Қўқон шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги ижтимоий кўникма марказида ўтказилган текширишда аниқланишича, жазони ўташ жойидан қайтиб келган фуқаро Ю. Кириенконинг номига 24 минг сўм, фуқаро О.Маҳмудов номига 8 минг сўм пул маблағи берилиши расмийлаштирилган бўлса-да, ушбу маблағ уларга берилмаган.

Шунингдек, кўникма маркази томонидан 225 минг 500 сўм моддий ёрдам пуллари жазони ўташ жойларидан қайтиб келган шахсларга берилмасдан ўзлаштирилиб, талон-тарож қилинган.

Бугунги кунда ушбу ҳолат юзасидан Қўқон шаҳар прокуратураси томонидан шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги ижтимоий маркази раҳбари У.Абдуназаровга нисбатан Жиноят Кодексининг 167-моддаси 2-қисми "г" банди билан жиноят иши қўзғатилиб, дастлабки тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Ўтказилган текширишларда айрим банк муассасалари томонидан ҳам мазкур Фармонга асосан жазодан озод этилган ва ижтимоий ҳимояга муҳтож шахсларга моддий ёрдам кўрсатиш учун етарли миқдорда накд пул маблағи билан таъминланмаётганлиги ҳолатлари ҳам маълум бўлди. Хусусан, "Уйжойжамғармабанк"нинг Қашқадарё вилоят бўлими вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ижтимоий кўникма марказининг мурожаатларига нисбатан белгиланганидан кам миқдорда накд пул берган. Бу эса жазодан озод этилганларнинг ўз вақтида моддий ёрдам билан таъминланмаслигига олиб келган.

Вилоят прокуратурасининг аралашуви билан шу йил 15 январ ҳолатига кўра ушбу банкдан 427.191 сўм миқдорда моддий ёрдам пуллари эгаларига олиб берилди. Шунингдек, Сурхондарё вилояти Қумқўрғон туман прокуратураси томонидан ўтказилган текширишда шу йилнинг 25 феврал ҳолатига кўра 10 нафар жазони ўташ жойларидан қайтиб келган шахсларнинг 4 нафарига туман ички ишлар бўлими томонидан уларни рўйхатга олиш, моддий ёрдам кўрсатиш чоралари кўрилмаганлиги аниқланиб, бу муаммолар тезда бартараф этилган.

Умуман олганда, прокуратура идоралари томонидан мазкур Фармон ижроси юзасидан ўтказилган текширишлар натижасида аниқланган қонунбузилишларни бартараф этиш борасида масъул мансабдор шахсларга 72 та тақдимномалар киритилди. Бундан ташқари, 147 нафар шахслар қонунбузилишига йўл қўймаслиги хусусида ёзма равишда огоҳлантирилди. 53 нафар мансабдор шахсларга нисбатан эса интизомий ҳуқуқбузарликка оид ишлар қўзғатилган. Аниқланган қўпол қонунбузарлик юзасидан битта жиноят иши қўзғатилиб, дастлабки тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Хулоса ўрнида айтсак, юксак инсонийлик ва бағрикенглик намунаси бўлган Президентимизнинг авф этиш тўғрисидаги Фармони изчил равишда ижро этилмоқда. Натижада кўплаб авф этилган шахслар тинч ҳаёт бағрига қайтишмоқда. Уларнинг тинч ҳаётга мослашишига ҳам керакли қулайликлар яратилаётир. Ўйлайманки, улар жамиятимизнинг муносиб фарзандлари бўлиб, ножўя қилмишларига қайтмайдилар.

**Назрулло ФАЙЗУЛЛАЕВ,**
**Республика Бош прокуратураси бўлим бошлиғи**

Adashgan ko`ngul e`tirofi

# "МЕН УЧУН ИККИНЧИ ҲАЁТ БОШЛАНДИ"

Халқимизнинг "табиб табиб эмас, бошидан ўтган табиб" деган пурмаъно ҳикматли мақоли бор. Бу бежизга айтилмаган. Мен бебошлигим ва пулга учганим туфайли 1999 йилнинг феврал ойларида динни ниқоб қилиб олган жангари тўдалар орасига тушиб қолдим. Бир оғайним Тожикистонга бориб, мўмай пул ишлаб келамиз дегани учун индамай-нетмай унга эргашиб кетавердим. Бироқ у ерда бизни иш эмас, динни ўзларига ниқоб қилиб олган ашаддий каллакесарлар қарши олишди. Бизга "Ортга қайтиш учун қўйилган ҳар бир қадам ўлим билан тугайди" деб уқтиришди. Биринчи куниёқ уларнинг ким эканини англаб етдим. Тақдирга тан бериб, ўша ерда қолишга мажбур бўлдим. Бироқ кеча-ю кундуз йўлдан адашганимга минг бир пушаймон бўлиб, қандай қилиб бўлса-да, уйга қайтишни ўйлардим. Аммо бунинг сира иложи йўқ эди. Чунки ортга қайтмоқчи бўлганларни сўзсиз-сўроқсиз отиб ташлашар эди. Бизнинг кўз ўнгимизда қанчадан-қанча ёш йигитларнинг умри хазон бўлиб кетди.

2000 йилнинг май ойларида бизни тоғ орқали Афғонистонга олиб ўтишди. У ерда уч-тўрт ой бўлганимиздан сўнг Президентимиз Ислом Каримовнинг диний экстремистик гуруҳларга билиб-билмай қўшилиб қолганларни авф этиш тўғрисидаги Фармони эълон қилинганини эшитиб қолдим. Шундан сўнг кўз ўнгимдан отам, онам, укаларим, оилам, фарзандларим бирма-бир ўта бошлади.

Мен бу йўлнинг охири тубсиз жарлик эканини аллақачон англаб етгандим. Шу боис Ватанга қайтишнинг йўлларини ахтардим. 2001 йилнинг июн ойларида телефон орқали уйдагилар билан гаплашишга муяссар бўлдим. Сентябр ойида эса кўп азоб-уқубатлар билан яхши инсонлар кўмагида она Ватанимга қайтиб келдим. Шу тариқа ўзга юртлардаги азоб-уқубатларга якун ясалди. Президентимиз Ислом Каримовнинг инсонпарварлиги, олижаноблиги мен учун иккинчи ҳаётни туҳфа этди. Чунки авф этиш тўғрисидаги Фармон туфайли мен ўлим ва шармандалик чоҳидан ўз оилам, ота-онам, укаларим, киндик қоним тўкилган юртим бағрига қайтдим. Ҳозирги пайтда ўзимни гўё қайта туғилгандек ҳис этаяпман. Бу — эзгулик ва бағрикенглик шарофати. Энди ҳалол меҳнат билан айбимни ювaман. Чунки кўр ҳам ҳассасини бир марта йўқотади. Мен энди ҳаёт йўлимни топиб олдим ва ҳеч қачон ундан адашмайман.

**Ҳасанбой СОТИМОВ,**
**Чортоқ тумани**

# «СЎҚИР КЎЗИМИЗ ОЧИЛДИ»

Яшириб нима қилдим, ёмон одамлар орасида юрган кимсанинг ақли баъзан чор-атрофда яхши кишилар борлигини идрок этолмай қўяр экан. Энг ёмони, одам ўзининг асл қиёфасини ҳам кўролмас экан. Бу ҳолни одам боласини шайтон йўлдан оздириши қабилида ҳам изоҳлаш мумкин. Аммо биз ҳар қандай қора қилмишимиз аслида юрт тинчлиги, осойишталиги ва тотувлигини издан чиқаришга қаратилганини, барибир, англаб етдик. Агар англаб етмаганимизда, ғўрлик ва гўллигимиз бизни нопок йўлларга бошлайверганида бунинг охири нима билан тугарди? Бундай ғаламисликнинг оқибатини тасаввур этиш қийинмас. Нафақат ўзимни, балки ҳамиша оқ ювиб, оқ тараб, бошимизни силаб келган меҳрибон ота-онам, қариндош-уруғ, қўни-қўшниларни ҳам ёмонотлиққа чиқарар эдим. Яхшиямки, билиб-билмай ташлаган чакки қадамларимизнинг пайи фурсатида қирқилди. Кўзимиз мошдай очилди. Эндиликда яхши ким-у, ёмон кимлигини беш қўлдай биламан, десам, хато қилмайман.

Халқимиз, Ватанимиз, Президентимиз йўлдан адашган биз, фарзандларини кечирди. Яъни бизнинг ёмонлигимизга бағрикенглик, яхшилик билан жавоб беришди. Ана шундай олижаноблик шарофати билан биз ўз хатоларимизни англаб етиб, яна тинч ва осуда ҳаёт бағрига қайтдик. 2000 йили Жиноят Кодексининг 159 ва 244-моддаларига асосан айбланиб, 8 йил муддатга озодликдан маҳрум этилган эдим. 2 йилу 2 ой ўтгач, яна оилам бағрига қайтдим. Тўғри, ўз қилмишим билан ота-онамнинг ҳам юзини ерга қаратдим. Ниҳоятда хайрли касб сартарошликни эндигина ўрганаётган ва шу касбда тинчгина ишлаб ҳам келаётгандим.

Ёшлик ғўрликдан иборат бўлиб қолмаслигини афсуски, фаҳмлай олмадим. Бу менинг учун ниҳоятда қимматга тушди. Озодликдан маҳрум этилгач, энди ҳаётим барбод бўлди, ота-онам, қавм-қариндош, маҳалла-қўйга қандай юз билан қарайман, деган ўй-фикр ич-этимни итдек таталаган, юрагим адоқсиз пушаймонликка тўлган. Аммо не бахтки, ҳали биздан ҳамма юз ўгирмаган экан. Халқимиз, Президентимиз ва албатта, ота-онамизнинг ҳам ҳали биздан умиди бор, ишончи сўнмаган экан.

Халқимиз, Президентимизнинг биз, йўлдан адашган фарзандларига кўрсатган бағрикенглигини кўнглида зиғирдек бўлсада, инсоф, адолат бор киши унутолмайди. Ахир, биз айрим қора ниятли кимсаларнинг қутқусига учиб, ватанга тош отмоқчи бўлган эдик, ватан эса бизга ош тутди. Бундан фақат битта хулоса келиб чиқади: бундай бағрикенгликка ҳалол ва садоқатли меҳнатимиз, намунали хулқ-атвор ва интизомимиз билан жавоб бермоғимиз зарур. Президентимизнинг "Амнистия тўғрисида"ги 2002 йил 3 декабрда қабул қилган Фармонига биноан озодликка чиқарканман, ана шундай ниятни кўнглимга жойладим. Оилам бағрига қайтганимдан боши осмонга етган ота-онам ҳам айнан шуни таъкидлашди. Уйга қайтганимдан сўнг орадан ҳафта ўтмаёқ отам мени ўзи ишлаётган корхонага бошлаб борди. Ҳозир отам сингари ишчиман. Ўзимни ниҳоятда эркин, озод ва бахтиёр ҳис этаяпман. Худо хоҳласа, бундан буён ҳалол меҳнатнинг ошини ейман. Ўйлаб қарасам, ҳамма билан бир қаторда яшаш ва ишлашдан кўра улуғ бахт ва неъмат йўқ экан. Ҳавойи, бўлмағур ўй-фикрлар гирдобида юрган кезларда буни ўйламаганимдан ғоятда афсусдаман. Ўткинчи қийинчиликлар, мияни чалғитувчи шайтоний ҳис-туйғуларга берилмасликнинг бирдан-бир йўли ҳалоллик, поклик, соғлом ўй-фикр ва албатта, фойдали меҳнат эканлигини бироз кеч бўлса-да, англаб етдим. Уни йўлдан чалғиганларнинг бари дилдан англашини истайман.

**Жалолбек САФОЕВ,**
**Урганч шаҳри**

Mushohada

# ИЗТИРОБ АЛАНГАСИ

## унинг чангалида куйган онага яна бахтиёрлик насиб этди

Фарзанд она эъзози бобида қанчалик заҳмат чекмасин, волидаи муҳтарамаси олдидаги қарзини тоабад узолмайди. Бу асрлар синовидан ўтган, исбот талаб этмайдиган ҳақиқатдир.

Тўрткўллик Орухон ая тўрт нафар ўғил ва икки нафар қиз фарзандини оқ ювиб, оқ тараб ўстирди. Турмуш ўртоғининг вафотидан сўнг рўзғордаги бутун оғирлик унинг елкасига тушди. Ўзи емай, фарзандларига едирди, ўзи кийиб, фарзандларига кийдирди. Вақти-соати билан фарзандлари оилали бўлди. Келинлар, невaралар қуршовида қолган онахоннинг шодлигига чек йўқ эди.

Аммо кейинчалик бу хонадондан файз-барака қочди. Аввалига катта ўғил бошқа ерга кўчиб кетди. Қизлар турмушга чиқишди. Иккинчи ўғли Амирбек ҳам кўч-кўронини орқалаб, қозонини бошқа қилди.

Муштипар она Баҳодир ва Йўлдошнинг оиласи билан қолди. Бироқ ака-ука ва овсинларнинг муросалари келишмай қолди. Шунда онаизор энг тўғри ва ягона йўлни танлади: яшаб турган ҳовлини савдога қўйиб, унинг пулига кўпқаватли уйдан икки хонадон сотиб олди. "Ёшим бир жойга етди. Менга энди жой зарур кептими", — деди-да, ҳар иккала хонадонни ҳадя шартномаси орқали ўғиллари Баҳодир ва Йўлдошбойларнинг номларига ўтказиб берди. Камсуқум она Баҳодирнинг қўлида қолди. Қолди-ю, ишнинг қизиғи энди бошланди. Ўғил ҳам, келин ҳам диёнатни унутиб, бечора кампирни ҳақоратга кўмиб ташлади. Ўтирса ўпоқ, турса сўпоққа айланган Орухон ая эгила бошлаган қаддини кўтара олмай, ўзи чой қилди, ўзи кир ювди. Ниҳоясиз машмашалар оқибатида сурункали касалликка чалинди.

Фарзандларига нолиш ҳам, илтижо ҳам, ўгит ҳам кор қилмагач, иккинчи ўғли Амирбекникига кўчиб ўтди. Аммо кўп ўтмай, Амирбек бошқа жойга кўчиб кетди. Шундан сўнг Орухон ая рўмоли учида кўп ёшларини сидириб, қишнинг қаҳрли январ ойида Тўрткўл шаҳридан олтмиш чақиримча йирокда жойлашган "Пахтаобод" деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмасида яшовчи тўнғич ўғлиникига йўл олди. Ўғлим бор, деб келувди. Минг афсуски, умид ғунчаси сўнди. Шундан сўнг ўғлининг савобталаб қўшниси Омонгелди Ўринов хонадонида юраги аламдан ёрилай деб, ижарада туриб қолди. Осмон узоқ, ер қаттиқ. Тўрткўл фалон чақирим, бозор-ўчарнинг иложи йўқ. Табиий газ етишмайди, хоналар совуқ. Касаллик эса кундан-кун хуруж қилаётир. Кел, деди-ю, яна Тўрткўлга қайтди. Чиққан қиз чиғириқдан нари, дейдилар-ку! Ўғли паноҳига сиғмаган муштипар кампир қизи қўлида қўним топармиди?!.

Гоҳо-гоҳо мунғайганча, кўча эшиги олдидаги ўтирғичда ўтираркан, ҳув наридан қўлида харжга тўла сумкаларини тутиб бораётган бозор савдосидаги ўғилларига кўзи тушиб қоларди. Қоларди-да, кўзларига дув ёш қуйиларди.

Йўқ, бошқа бундай яшаб бўлмасди! Ақлини еган, иймонини унутган нобакор фарзандга ўзининг оналик ғурурини кўрсатиб қўйиш лозим эди. Ниҳоят, жони халқумига келган онаизор фуқаролик ишлари бўйича Беруний туман судига Тўрткўл шаҳар нотариал идорасининг 2000 йил 28 апрелдаги ҳадя шартномасини бекор қилиш тўғрисида даъво аризаси йўллади. Ариза даъвогар Орухон Оқназарова, унинг ўғиллари ва қизлари ке-

лишуви иштирокида кўриб чиқилди ва суд Тўрткўл шаҳар нотариал идорасининг Кучкина кўчасидаги 3-уйининг 15-хонадонини Оқназаров Баҳодир номига расмийлаштириш тўғрисидаги ҳадя шартномасини бекор қилди. Шу билан бирга мазкур хонадонда Баҳодир Оқназаровнинг яшаш ҳуқуқи сақлаб қолинди.

Мазкур қарорнинг қабул қилинганига бир ойдан кўпроқ вақт ўтди. Ҳозир оилада умумий ҳаёт тарзи меъёрида давом этяпти. Она ва ўғил, оиланинг бошқа аъзолари ўртасида ҳеч қанақа нифоқ, низо йўқ. Аммо, барибир, оилага тинчлик-тотувлик, баркамоллик тилаш асносида ҳақли бир савол туғилади: ушбу адолатли қарорга келиш учун она ва ўғил ўртасида судлашув жараёнига зарурат бормиди? Баҳодирнинг ақл кўзи нега кеч очилди?! У хат-саводли, иқтидорли киши сифатида Асосий Қонун бўлган Конституциямизнинг 66-моддасида таъкидланганидек, ***вояга етгач, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбур*** эканлигини билмасмиди?

Майли, ҳеч бўлмагандан кеч бўлгани яхши, деган гап бор. Бу ёғига Яратган эгам фарзандларга инсоф ато этсин. Токи, муқаддас ҳадисларда ота-онасининг иккаласи ёхуд биттаси кекса қолган вақтида уларни рози қилмай, ўзини дўзахга тушишга мубтало қилишига қарата айтилган "Хор бўлсин, хор бўлсин, хор бўлсин" деган ўгит ҳеч бир фарзанднинг қулоғига чалинмасин.

**Нурулло ЙЎЛДОШЕВ, ҳуқуқшунос**
**Тожимурод ЭШМУРОДОВ, "Инсон ва қонун" мухбири**

Qutlov

Халқимиз орасида дарахт бир жойда кўкаради, деган гап бор. Бу ҳикматли нақлни Тўғонбек Мавлоновга нисбатан истифода этсак, ҳеч ҳам адашмаймиз. Чунки у киши 1966 йилдан буён то ҳозирги кунга қадар адлия идораларида меҳнат қилиб келмоқда. Унингфидокорона хизматлари муносиб тақдирланган — у кўплаб ҳукумат мукофотлари соҳиби. Энг муҳими эса, Тўғонбек ака адлия ходимлари ўртасида катта ҳурмат-эътибор қозонган, кўплаб шогирдлар етиштирган устоз ҳисобланади. Камтарин инсон шу кунларда 65 баҳорни қарши олди. Шу муносабат билан у кишига бардам-бакувватлик, оилавий хотиржамлик ва ишларига ривож тилаймиз.

**АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ЖАМОАСИ**

Falsafa va qonun

# ДЭВИД ЮМ: ТОЛМАС ТАДҚИҚОТЧИ

***Улуғ инглиз донишманди ва тарихнависи Дэвид Юм 1711 йилда Шотландия пойтахти Эдинбургда дунёга келди. Дэвиднинг отаси унча бой бўлмаган ҳуқуқшунос эди. Дэвид дастлаб Эдинбург дорилфунунига қатнади. Аммо оиладаги иқтисодий ночорлик туфайли ўқишни ташлаб, Бристолга тижорат қилиш учун жўнади. Бахтга қарши тижорат ишларида ҳам омади келмай уйига қайтишга мажбур бўлди. Бу орада унинг отаси вафот этди.***

Отасининг ўлимидан сўнг оиланинг бутун ташвишлари муштипар онаси зиммасига тушди. У ўғли Дэвиднинг Франгистонга бориб ўқишни давом эттириш ҳақидаги истагини қўллаб-қувватлагач, 1734 йилда ёш Дэвид қўшни мамлакатга жўнади. У ердаги "Ла-Флеш" номли незуитлар коллежида уч йил таълим олди. Бу ерда у Цицерон, Бейл, Монтен, Бэкон, Локк, Ньютон ва Беркли, шунингдек, Шефтсбери, Хатжон каби таниқли файласуф ва ахлоқшуносларнинг асарларини чуқур ўрганди. Уларнинг илм, ахлоқ, ҳуқуқшунослик, фалсафа, қонунчилик ва давлатчилик борасидаги таълимотлари Дэвидда катта таассурот қолдирди. Франгистонда у уч китобдан иборат бўлган "Инсон табиати ҳақида" номли дастлабки фалсафий асарини ёзиб тугатди. Асар 1738-40 йилларда Лондонда чоп этилди. Биринчи китобда билиш назарияси масалалари ёритилган, иккинчисида инсон руҳиятига оид турфа фикрлар билдирилган, учинчи китобида эса ахлоқ назарияси муаммолари баён этилган эди.

Бу асарларида Юм том маънодаги ҳақиқатга эришувда тажрибанинг аҳамияти катта деган хулосага келган. Шунингдек, у билиш асосини ташкил этган тамойиллар ҳам эмперик хусусиятга эга бўлиб, йиллар давомида эгалланган тажрибалардан келиб чиққан деган фикрни олға суради. Юм дастлаб олам ҳақидаги барча билимларни тажриба ва идрокка боғлайди, сўнг эса ҳиссий таассуротлар мазмуни ишонарлилигига шубҳа билдириб, уларни ҳам психологик жиҳатдан тадқиқ этиш лозимлигини кўрсатиб ўтади.

Юм Локкдан сўнг сенсуализмга тўғри баҳо бера олган файласуфдир. Унинг 1748 йилда ёзилган "Инсон идрокининг тадқиқоти" асари билиш муаммоларига қаратилган. Унда файласуф билимлар табиатини сенсуалча нуқтаи назардан ўрганиб чиқиб унинг манбаи борасида аниқ бир хулоса чиқаради.

Барча нарсани идрок этишни Юм "таассурот" ва "ғоялар"га бўлади. "Таассурот бирламчи ва иккиламчи бўлади. Бирламчиси — ташқи тажриба таассуроти, иккиламчи — ички тажриба таассуротлари. Агар биринчисига сезиш кирса, иккинчисига — истак, турли хил қизиқиш, безовталик ва бошқа ҳолатлар киради" — дейди бу ҳақда файласуф. Шунингдек, у ташқи ва ички тажрибалар таассуроти оддий ғояларни туғдиради, бу ғояларга хотиралар образи ва тасаввур киради, деган тўхтамга келади.

1740 йиллар охирида Юм ўзининг асосий ғоясини оммалаштиришга уринади. У мазкур ишнинг "Қисқартирилган баённомаси"ни тузиб чиқиб, уларни китобхонлар ҳукмига ҳавола этади. Лекин эълон қилинган мақолалари ўқувчиларда ҳеч бир қизиқиш уйғотмайди. Юм эса бу пайтда Шотландия маданияти ва маънавиятининг илғор вакиллари билан алоқа ўрнатиб улгурганди. 1749 йилда Юм "Ахлоқий ва сиёсий очерклар" эссесини ёзиб тугатади. Бу эсседа донишманд ўзига хос мушоҳадалар юритиб, кенг жамоатчиликка тааллуқли бўлган сиёсий-ижтимоий муаммоларни ўртага ташлайди ва бу унга катта шуҳрат келтиради.

Юм жамиятнинг энг муҳим муаммоларини жамоат ҳукмига ҳавола этувчи, ўзига хос мураккаб саволларни тўғри ечувчи ёзувчи сифатида ҳам халқ орасида обрў-эътибор топади. У умр бўйи кўплаб очерклар эълон қилдирди. Барчаси ўқувчилар қўлидан-қўлга ўтиб, тўққиз марта қайта нашр этилади. Ана шу йиллари файласуф ўзининг моддий-молиявий аҳволини яхшилаш мақсадида руҳий касалликка чалинган маркиз Анендалига адвокат сифатида ёлланади, кейин эса генерал Сен-Клерга котибликка ишга кириб, ҳарбий юришда иштирок этади. Ана шу тарзда у ҳарбий миссия таркибида Вена ва Туринда бўлади.

Италияда Юм "Инсон табиати" ҳақидаги асарининг биринчи китобини "Инсон идрокини тадқиқ этиш" деб янги ном остида қайта кўриб чиқади. 1750 йилда бу иши Англияда чоп этилади. Лекин бу асар жамоа эътиборини ўзига жалб қилмайди. Асарнинг учинчи китоби ҳам қисқартирилиб "Ахлоқ тамойиллари тадқиқоти" сарлавҳа остида чоп этилса-да, ўқувчилар бу асарни ҳам бефарқ қабул қилади.

Юм бу асарида насроний дини ҳақиқатлари инсон туйғуларини тадқиқ қилиш олдида жуда ҳам аҳамиятсиз кўринишини исботлашга уринади. У бу динга одамлар муҳтож эканига шубҳа билдириб, диннинг ақлга суянган жиҳатларини тан олмаслигини далиллашга ҳаракат қилган.

Инсон ҳаракатлари моҳиятини тадқиқ эта туриб, "Кўплаб одамлар яхшиликка йўналтирилган фойдали сифатлар ўзининг фойдалилиги туфайли ҳам эътиборлидир, деб ўйлашади. Масалага бундай ёндашув табиий бўлса-да, ҳамма ҳам ана шуни тан олишни исташ у ёқда турсин, ҳатто ўйлаб ҳам кўрмайди. Ўйлаб кўрса эди, ана шундай эканини тушуниб етар ва бунга хайрихоҳлик билдирар эди", деган уталитар фикрларини илгари суради.

Юм яна жамоа шартномасига эътироз билдириш тарафдори эканини ҳам яширмайди. У жамият оилавий ва аждоддан-авлодга ўтиб келувчи муносабатлар орқали тараққий этиб келмоқда, бунда асосан хайрихоҳлик туйғуси асосий ўрин тутади деган ғояни қўллаб-қувватлайди. "Эҳтиёж ва даромадга эга бўлишга интилиш — жамият тараққиётини ҳаракатга келтирувчи омилдир", деган ғояни ўртага ташлайди. Бундай назария унинг сиёсий иқтисод борасидаги қарашларига ҳам тегишли. У даромадга ишлаб чиқаришнинг ҳаракатлантирувчи кучи сифатида қарайди. Унинг сиёсий иқтисод борасидаги бундай нигоҳлари Адам Смит ғояларининг шакланишига муҳим омил бўлиб хизмат қилди.

XVIII асрнинг 40-50 йилларида Юм "Англия тарихи" китобини ёзиб тугатади. Бу асарининг иккинчи томида Стюартлар хонадонининг XVII асрдаги ҳаёти тасвирланади. У асарида парламент тарафдори эканига алоҳида урғу бериб, 1640 йилдаги Лорд Страффорд ва Карл I устидан чиқарилган суд ҳукмини қаттиқ қораласа-да, Асар ўзининг психологик таҳлили билан Англия тарихшунослигида алоҳида аҳамиятга эга. Чунки бунгача бўлган барча тарихий асарлар фақат воқеалар баёнини бериш билангина чегараланганди. Юм бу соҳага ҳам янгилик киритди.

1763 йилда Англия ва Франгистон ўртасидаги мустамлака учун бўлган кураш ўз ниҳоясига етади. Юм Версал саройидаги Британия элчихонасига котиблик лавозимига тайинланади. Юм икки йил давомида Франгистонда дипломатик хизматни олиб борди. Бу йилларда у аввалги омадсизликлари эвазига катта шуҳрат қозонди. Шу боис файласуф қолган умрини ҳам Парижда ўтказишни мўлжаллаганда, Адам Смит уни бу ниятидан воз кечишга чақирди. Юм Франгистонда Жон Жок Руссо билан қалин дўстлашди, кейинчалик уни Англияга чақирди. Руссо бу мамлакатда муқим қолишни мўлжаллаганди, бироқ Юм билан ораларидан "кора мушук" ўтгани боис яна қайтиб ўз ватанига жўнади.

1766 йилда Британия оролларига қайтган Юм давлат котибининг ёрдамчиси лавозимига тайинланади. 1769 йилда у истеъфога чиқиб, ўз она шаҳри Эдинбургга қайтди.

XVIII асрнинг 70 йилларида Юм яна ўзининг асосий китоби саналган "Табиий динлар ҳақидаги ўйлар" фалсафий асарини қайта ишлашга, баъзи бобларини тўлдиришга киришди. Ана шу тўлдирилган қисмининг динга тааллуқли бўлган жойларини ўз исм-шарифини қўймай рисола шаклида чоп эттирди. Аммо бу рисола черков маъмурлари томонидан таъқиқланган адабиётлар рўйхатига киритилди ва йиғиб олинди. Ҳалиҳамон бу асарнинг қисмати ҳеч кимга маълум эмас. 1775 йилда Юм жигар касалига йўлиқади. Ана шу йиллари ҳам у ўз асарларини қайта ишлаш, уларни мукаммаллаштиришга киришади. 1776 йилда олтмиш беш ёшида оламдан кўз юмган Дэвид Юм асарлари кейинчалик жуда оммалашиб кетди. Унинг асарлари ҳозир ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ.

**Аббос САИД**

Mitti maslahat

Рукн учун масъул: ҳуқуқшунос Т. ҚОРЁҒДИЕВ

# ЎЛИМ ҚАЧОН ҚАЙД ЭТИЛАДИ?

Маълумки, бу дунёда инсон абадий яшамайди. Тақдири азалида битилган кун келгач, у табиийки, вафот этади. Ана шу муносабат билан марҳумни давлат идораларида рўйхатга олиш зарурияти юзага келади.

Хўш, мусибатли ўлим ҳолатларини қайд қилиш масаласи қандай амалга оширилмоқда? Унинг қонуний асослари нималардан иборат?

Аввало шуни айтиш керакки, Оила Кодексининг 223-моддаси, 4-хатбошиси талабига кўра, ўлим содир бўлган куни ёки мурда топилгач, уч кундан кечиктирилмай тегишли идораларга хабар берилиши зарур. Шунингдек, ўлимни фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш идораларида қайд этмасдан марҳумни дафн қилиш таъқиқланади.

Баъзан ҳаётда тиббиёт ходимлари фуқаронинг вафоти ҳақидаги ҳужжатларни ўз вақтида расмийлаштирмаслик ёки бу ҳужжатларни жойлардаги ФҲДЁ идораларига вақтида етказиб бермаслик, айрим ҳолларда эса марҳумнинг қариндош-уруғларининг ўз вақтида тиббиёт маълумотномасини ФҲДЁ идорасига келтирмаслиги натижасида ўлим 10 кунлаб, ойлаб қайд қилинмасдан қолиб кетаётган ҳоллар ҳам йўқ эмас. Гоҳида эса (масалан, ўз-ўзини ўлдириш, бахтсиз ҳодисалардан ўлиш ва ҳоказолар) ўлим тиббиёт идораларида умуман қайд қилинмасдан судгача етиб келмоқда. Албатта, бу қонунга зид ҳолат ҳисобланади ва бунинг оқибатида марҳумнинг таъзия маросимлари ўтказиш учун сарфланадиган харажатлар, шунингдек, боқувчисини йўқотганлик нафақаларининг ўз вақтида олинмаслиги, марҳум фарзандларининг моддий ва маънавий қийин вазиятда қолишига сабаб бўлмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 апрелдаги 171-сонли қарори 1-иловаси билан тасдиқланган "Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш қоидалари"нинг 12-бандида "Туғилиш ва ўлиш фактларининг ўз вақтида қайд этилишини таъминлаш масъулияти туман ва шаҳар соғлиқни сақлаш бўлимлари зиммасига юкланади", деб белгиланган.

Айтмоқчимизки, Вазирлар Маҳкамасининг бу қарори мавжудлигини эслатиб қўйган ҳолда, бунга мутасадди бўлган ходимлар (айниқса, суд-тиббиёт экспертизаси йўналишида) ўлимнинг ўз вақтида қайд этилишини таъминлаши лозим.

Charxi kajraftor

### "ҲАҚЛИ" ТАЛАБ

Франциянинг Метц шаҳрида ҳуқуқшунослар адашиб ўта хавфли жиноятчи бўлган банк ўғрисини озодликка чиқариб юборишди. Бироқ жиноятчи бундан хурсанд бўлиш ўрнига антиқа бир можарога бош қўшди. Гап шундаки, судьялардан ҳаппа-ҳалол тарзда ўғирлаган 100 минг АҚШ долларини ўзига қайтариб беришни талаб қилди.

### "БЎЛАДИГАН" БОЛА...

Майамида полициячилар узоқ қидирувдан сўнг катта тажрибага эга бўлган автомашина ўғрисини қўлга олишди. Қизиғи шундаки, бу ўғри фақат "Хонда аккорд" русумли автомобилларни олиб қочган. Сўроқ жараёнида аниқланишича, ўғри 12 ёшга тўлган бола бўлиб, у 50 дан зиёд автомашинани қойилмақом тарзда ўғирлаган экан.

### ИШДАГИ ҚАҲРАМОНЛИК

Вортингтон шаҳридаги банк президенти ишхонада ўз қўл остидагиларининг кўз ўнгида банкни ўмармоқчи бўлган қуролланган босқинчига қарши қаҳрамонларча курашиб, ходимларга ажойиб намуна кўрсатди. Гап шундаки, банкка бостириб кирган жиноятчини кўрган президент полицияга қўнғироқ қилиш ўрнига дарҳол стул билан унга қарши ҳужумга ўтди. Бундай вазиятни кутмаган босқинчи шу заҳоти жуфтакни ростлаб қолди. Шунингдек, президент босқинчини ташқарида кутиб турган машинанинг рақамини ҳам эслаб қолди. Шу тариқа жиноятчи тез орада қўлга олинди.

### СИНЧКОВ УСТАЛАР

Сан-Антониода автомашинасининг юкхонасида 18 та халта "марихуана" гиёҳвандлик моддаси бор бўлган аёл қўлга олинди. Ажабланарлиси шундаки, наркотик моддаларни полициячилар эмас, балки авточиланғарлар топишди. Аёлнинг айтишича, автомашинанинг мойини алмаштириш учун устахонага тўхтаганда, у чиланғарларнинг машина юкхонасини очиб кўриши мумкинлигини хаёлига ҳам келтирмаган.

### ФОЙДАЛИ БЮРОКРАТЛИК

Сан-Францискода ғайритабиий талончиликнинг олди олинди. Бу ердаги нуфузли банкларнинг бирига бостириб кирган талончи пештахтадан банкнинг расмий иш қоғозини олиб, унинг орқасига "Бу – талончилик. Пулни халтага солиб, менга беринглар..." деб ёзди. Бироқ ўзимни биров кўриб қолди, деган шубҳага борган талончи банк ходимига қоғозни беришга қўркди ва банкдан чиқиб кетди. Кейинчалик, у ўз омадини йўлнинг нариги тарафида жойлашган кичикроқ банкда синаб кўрмоқчи бўлди. Бор журъатини тўплаб, у банк ходимига пул талаб қилинган қоғозни узатди. Бироқ банк ходими унга берган қоғози бошқа банкка қарашли экани боис унинг талабини бажаролмаслигини билдириб, қоғозни олдинги банкка олиб боришни ва у ердан пул олишга уриниб кўришни маслаҳат берди. Қизиғи шундаки, талончи бу таклифга кўнди ва ўша банкка йўл олди. Бу орада қув ходим ҳамкасблари ва полициячиларни огоҳлантириб қўйди. Натижада лақма жиноятчи қўлга олинди. Судда у банкдаги бюрократликдан нолиди.

### ТУНАЛГАН ПРОКУРОР

Канзас Ситидаги ресторанда бир аёлнинг сумкасини ўғирлаган Дейл Ричардсон исмли йигит унда кам пул борлигини кўриб ҳафсаласи пир бўлди. Шундан сўнг у сумкадаги ҳужжатларга қараб унинг эгасига қўнғироқ қилди ва унга ҳужжатларни 250 доллар эвазига қайтариб беришини айтди. Сумка эгаси бу таклифга бажонидил рози бўлди. Учрашув жойига келган ўғри ўзини округ прокурори кутиб турганини кўриб, ҳайратдан донг қотиб қолди.

### ҚИММАТГА ТУШГАН ҲОРДИҚ

Лос Анжелесдаги электроника дўконига ўғирликка кирган икки нафар жиноятчи дастлаб мириқиб ҳордиқ чиқармоқчи бўлишди. Улар бир-бирларини видеокамера орқали тасвирга туширишиб, телевизор орқали томоша қилишди. Кейин эса хоҳлаган буюмларини олишиб, хурсанд ҳолда дўконни тарк этишди. Бироқ улар тезда қўлга тушишди. Маълум бўлишича, улар қўриқчилик хизматининг камераси билан бир-бирини суратга олишган экан.

### "ҚУЙИЛМАГАН" ҚАРИЯ

Милвокида 69 ёшли нафақахўр ўзининг ҳамёнини тортиб олмоқчи бўлган қароқчининг роса таъзирини берди. Очиғи, 150 килограмм тош босадиган жиноятчи қариянинг ҳамёнини олмоқчи бўлганда унинг бу даражада қаршилик кўрсатишини кутмаган эди. Жиноятчи билан муштлашишга тушган қария уни уриб ерга йиқитди ва полиция етиб келгунга қадар ушлаб турди. Энг қизиғи шундаки, ҳамёнда атиги 4 доллар пул бор экан, холос.

**Дилноза КУРБОНОВА, Дилноз МУРТОЗАЕВА тайёрлади.**


### ЭЪЛОН

**Тошкент шаҳар хўжалик судининг шу йил 17 мартдаги 10-0304\930-сонли ажримига асосан "Миен-Мўмин" хусусий фирмасини иқтисодий ночор (банкрот) деб топиш бўйича иш очилган. Ушбу корхона бўйича кредиторларининг биринчи йиғилиши шу йил 28 март куни соат 15 $^{00}$ да ўтказилади.**

**Манзили: Юнусобод туман биноси, 1-қават, 22-хона.**

**Мурожаат учун телефон: 137-51-75**

*Баҳор истиқболига чиққан болалар*

Ушбу сондаги суратлар муаллифи: Абдуғани ЖУМАЕВ

Qilmish-qidirmish

# ЖИНОЯТГА ЕТАКЛАГАН ВАЛЮТА

## ёки қора пул бозори қайдадур?!

Бало қайда, босган оёғинг остида, деган экан ота-боболаримиз. Дарҳақиқат, қадамини ўйлаб босган одам қоқилмайди. Айниқса, қонунга амал қилган кишининг ҳеч қачон бурни қонамаган.

Аксинча, қонунга амал қилмаслик, уни бузиш жиноятга етаклайди ва бу қилмишнинг охири вой бўлади. Қўрғонтепа туманидаги Қорасув шаҳрида истиқомат қилувчи Тўлқинжон Хўжамбердиевни амалдаги қонунларга кўра нима мумкину, нима мумкин эмаслигини англамайди, дейиш қийин.

Айниқса, турли валюталар олди-сотдиси билан шуғулланиш қонунга хилоф эканлигини олий маълумотли, болалар ва ўсмирлар спорт мактабида мураббий вазифасида ишловчи Тўлқинжон билмайдими? Билади. Лекин айрим кимсалар каби у ҳам беш-ўн сўм фойданинг олдида қонун нима деган гап, деб ўйлайди. Шунинг учун Қорасув шаҳар, Дўстлик 5-тор кўчаси, 8-уйда яшовчи Латифжон Хўжамбердиевнинг хонадонида ҳеч нарсадан тап тортмасдан фуқаро Абдулла Мирзакаримовга 1070 АҚШ долларини 1 миллион 300 минг сўмга сотаётган вақтда "тумшуғидан илинди". Шу фурсатда хонадонда тинтув ўтказилганда яна 1308 АҚШ доллари, 1500 АҚШ доллари қийматидаги "Американ экспресс" йўл чеклари, 8092 сом Қирғизистон пули, 520 рубл Россия пули, 40 қозоқ тенгеси, 11 юан Хитой пули, 100 минг турк лираси, 8 миллион 377 минг 100 сўм миллий пулимиз ҳамда бир дона пул санаш мосламаси борлиги аниқланди. Ёпирай, буларни кўриб туриб, Тўлқинжон ва Латифжонларнинг пул заводи борми, деб ўйлайсиз. Ёки ушбу хонадон жаҳон пуллари музейимикан?!

Валютанинг "қора" бозорини "гуллатишда" Пахтаобод тумани маданият қишлоғида истиқомат қилувчи Козимжон Мирзаев ҳам қорасувлик йигитлардан қолишмайди. У 1000 АҚШ долларини 1 миллион 200 минг сўмга сотаётганида қўлга тушди. Унинг шериги Фарҳод Ҳожиабдуллаев ёнида эса 74 минг 291 қирғиз соми борлиги аниқланди.

Чет эл валютаси олди-сотдиси билан шуғулланиб, осон йўл билан текин пул топиш дардига йўлиққан хоноободлик Илёсжон Юнусов 1250 АҚШ долларини 1 миллион 484 минг 500 сўмга сотаётганида, андижонлик Камолиддин Тўхтасинов 700 АҚШ долларини 840 минг сўмга сотаётганида, Хўжаобод туманидаги Дилкушод қишлоғида яшовчи Илҳом Турсунов 1000 АҚШ долларини 1 миллион 190 минг сўмга сотаётганида қўлга тушди.

Жиноят устида қўлга тушган валютафурушларга энди Жиноят Кодексининг 177-моддаси, 2-қисми билан жиноий иш қўзғатилди.

Хуллас, Андижон вилоят прокуратураси ҳузуридаги солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш бошқармаси ва унинг туман бўлимлари ходимлари Вазирлар Маҳкамасининг 415-сонли қарори асосида ўз хизмат вазифаларини сидқидилдан бажаришмоқда.

**Адҳамжон СУЛТОНОВ, ҳуқуқшунос**


**ИНСОН ва ҚОНУН**

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

1996 йилнинг январидан нашр этилади

1998 йил 2 июлда Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00141-рақам билан рўйхатга олинган

Бош муҳаррир: Шодикул ҲАМРОЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Ихтиёр АБДУЛЛАЕВ, Бўритош МУСТАФОЕВ, Пўлат САМАТОВ, Хуршид СОДИҚОВ, Эркин ҚУДРАТОВ, Сайфиддин РАҲИМОВ, Ғафур АБДУМАЖИДОВ, Ислом ҲАМРО, Холли НОРБОЙ, Нормейли НОРПЎЛАТОВ

Таҳририятга юборилган қўлёзмалар эгаларига қайтарилмайди ва уларга ёзма жавоб берилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.

Факт ва далиллар тўғрилиги учун масъулият муаллифлар зиммасидадир.

Саҳифаловчи-дизайнер: Жаъфар ЖАББОРОВ

Навбатчи: Бобомурод РАЙИМОВ

Индекс: 646882

«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй. Буюртма Г-921. Тиражи — 10.000. Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди — 21.30

МАНЗИЛИМИЗ: 700047, Тошкент ш. Сайилгоҳ кўчаси-5. Тел: 136-72-37 (умумий бўлим), 133-70-65, 133-84-50